20____ A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 147 (147), 2020 йил 7 август, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАДОРЛИГИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 август куни Жаҳон банки иштирокида "Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" лойиҳасини амалга оширишга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Шу йил 23 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари аграр тармоққа ажратилаётган инвестициялардан тўғри фойдаланиш, юқори натижа берадиган лойиҳалар ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Бу галги йиғилишда Жаҳон банки томонидан ажратилган 500 миллион доллар кредит маблағларини ўзлаштириш бўйича шакллантирилган лойиҳалар муҳокама қилинди.

Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, лойиҳаларни ишлаб чиқишда фанни ривожлантиришга, илғор технологияларни жорий этишга устувор аҳамият қаратилган. Хусусан, жалб қилинаётган маблағнинг 87 миллион доллари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги 10 та илмий-тадқиқот муассасаси, 4 та ихтисослашган марказ фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини яхшилашга ажратилади.

Шунингдек, 70 миллион доллар кўчатлар етказиб бериш, фитосанитария, геоахборот ва сертификатлаш хизматларини кўрсатадиган агрохизмат марказларини ташкил этишга йўналтирилади. Қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш учун берилаётган 10 миллион доллар ҳисобига ерларнинг ҳосилдорлиги, тупроқ таркиби таҳлили, зарур минерал ўғитлар тури ва миқдори, солиқ, транспорт-логистика ва маҳсулотлар бозорлари ҳақида маълумотлар олиш имкони яратилади.

Йиғилишда сув хўжалиги, чорвачилик, карантин, кадастр, молия, солиқ ва бошқа тегишли идоралар маълумотлар базасини ушбу тизимга интеграция қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигига илмий-тадқиқот муассасалари ва ихтисослашган марказларни Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳудудида жойлаштириб, лаборатория ускуналари ва техникалар билан таъминлаш, вилоятлардаги қишлоқ хўжалиги коллежлари негизида уларнинг филиалларини ташкил этиш вазифаси қўйилди. Ушбу муассасаларни юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш, хориждан консультантлар жалб қилиб, уларни ўқитиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир илмий-тадқиқот муассасаси ва марказ илмий ишланмаларини сотадиган тижорат ташкилотига айланиши зарурлигини таъкидлади.

— Қишлоқ хўжалигини илм билан қилмасак, харажатларимиз натижа бермайди. Ҳар бир лойиҳа манфаатдорликни таъминлаш, рентабелликни оширишга хизмат қилиши керак. Пировард маррамиз — экспорт. Илмий асосланган, стандартларга мос маҳсулот чиқарилса, бозор топилади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Кооперативлар ва кластерларни ривожлантиришга мўлжалланган 200 миллион доллар ҳудудлар ўртасида тақсимланган. Бундан ташқари, халқаро молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан Фарғона водийси учун қўшимча 54 миллион доллар ҳамда Хоразм вилоятига 100 миллион доллар маблағ ажратилган.

Президент ажратилаётган ҳар бир долларни уч долларга айлантириш, имтиёзли кредитларни қайтариш бўйича аниқ ҳисоб-китоб асосида ишлаш зарурлигини таъкидлади.

Интенсив боғ майдонларини кенгайтиришга 65 миллион доллар йўналтириш белгиланган. Хусусан, бунинг ҳисобидан Тошкент вилоятида 500 гектар, Андижон, Бухоро, Наманган, Фарғона ва Самарқандда 300 гектардан, Жиззахда 250 гектар, Қашқадарё ҳамда Сурхондарёда 200 гектардан, Қорақалпоғистонда 100 гектар майдонда янги усулдаги интенсив боғлар яратилиши режалаштирилган.

Мутасаддиларга қисқа муддатда ерларни ажратиб, келгуси йил баҳорда боғларни фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилди.

Яна 65 миллион доллар эвазига замонавий агрологистика марказлари ва комплексларини ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги вазири ва вилоят ҳокимлари жалб қилинаётган маблағлар ўзлаштирилишини лойиҳалар кесимида тақдимот қилди ҳамда ишни ташкил қилиш режалари бўйича ахборот берди.

ЎзА

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 6 август куни жорий йилда олий таълим муассасаларига қабулни ташкил қилиш ва 2020/2021 ўқув йилига тайёргарлик кўриш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Сўнгги йилларда олий таълим тизимидаги ўзгаришлар натижасида ёшлар ва уларнинг ота-оналарида ўқишга ишонч ортди. Ҳужжат топшириш тўлиқ масофавий шаклда амалга оширилгани аҳолига катта қулайлик яратмоқда.

Жорий йилда мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларига (ОТМ) бакалавриат босқичига 162 364, магистратурага 10 425 ўрин ажратилган.

Бу йил 91 та ОТМга бакалавриат йўналиши бўйича 1 миллион 484 минг нафар абитуриент ҳужжат топширган бўлиб, бу ўтган йилгига нисбатан 39 фоиз кўп. Битта ўринга 10,6 та талабгор тўғри келмоқда.

Магистратура йўналишида 72 та таълим даргоҳига 78 минг 720 нафар ёки ўтган йилгига нисбатан 3 баробар кўп ҳужжат топширилган. Умуман, қабул квоталари 2016 йилгига нисбатан 3 маротаба ортган.

Бугунги кунда ўқишга қабул қилиш тестлари қачон, қаерда ва қандай тартибда ўтказилиши ҳамда 2020/2021 ўқув йилида таълим жараёни қандай ташкил этилиши барчани ўйлантирмоқда. Бунга сабаб, табиийки, турмуш тарзимизни ўзгартириб юборган коронавирус пандемияси.

Шу боис Президент Шавкат Мирзиёев тақдимот чоғида ушбу омилни ҳисобга олган ҳолда кун тартибидаги масалалар юзасидан қатор вазифаларни белгилаб берди.

Жумладан, тест имтиҳонларини абитуриентлар ва назоратчилар учун эпидемиологик хавфсизликни таъминлаш имконини берадиган жойда ўтказиш кераклиги қайд этилди.

Ёпиқ бинолар эпидемиологик талабга жавоб бермаслигини, ижтимоий масофага риоя қилинган тақдирда имтиҳонлар вақти анчага чўзилиб кетишини инобатга олиб, тест синовларини Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларидаги стадионларда ташкил этишга топшириқ берилди. Бунда имтиҳонлар кунига 2 марта (ҳаво салқин пайтда) ўтказилса, барчасини тахминан 12-14 кунда якунлаш мумкин.

Мутасадди вазирлик ва идораларга стадионларни тест синовларига пухта тайёрлаш, уларнинг дислокацияси бўйича абитуриентларни тўлиқ хабардор қилиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари имтиҳонларнинг санасини Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Санитария-эпидемиология хизматининг эпидемиологик вазият борасидаги хулосасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш, аҳоли саломатлиги хавфсизлигини таъминлаш лозимлигини таъкидлади.

Тест синовларини шаффоф ҳолда ўтказиш учун, ёшларни ортиқча сарсон қилмаслик мақсадида Таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси, ҳокимликлар, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати томонидан зарур чоралар кўрилади.

Таълим жараёнини сифатли ўқув ресурслари билан бойитиш учун салоҳиятли профессор-ўқитувчиларни жалб этиш муҳимлиги қайд этилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 25 августгача барча 7 минг 200 дан зиёд фан бўйича назарий ва амалий машғулотларнинг рақамли услубий таъминотини ва масофавий таълимга мослаштирилган ўқув дастурларини яратиши белгиланди.

Камида 35 та давлат ОТМларида биринчи курс талабалари учун ўқиш кредит-модуль тизими асосида ташкил этилади.

— Тараққий этган давлатлар тажрибаси таълим даргоҳларини замон талабларига мослаштирмасдан илмий ва технологик ютуқларга эришиш қийин бўлишини кўрсатмоқда, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Шу сабабдан жорий йилда нуфузли хорижий университетлар билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг камида 5 та олий таълим муассасаси трансформация қилинади. Бунда асосан тузилма ва ўқитиш технологиялари такомиллаштирилади, натижада улар замонавий таълим берадиган ва инновацияларни жорий қиладиган илмий даргоҳга айлантирилади.

Йиғилиш якунида давлатимиз раҳбари ректорлар билан мулоқотда бўлиб, улар айтган муаммоларни ҳал этиш ва таклифларини амалга ошириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

ЎзА

Эксклюзив интервью

ЛОЙИҲАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА

ФАННИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА УСТУВОР АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛДИ

Жамшид ХЎЖАЕВ,
қишлоқ хўжалиги вазири:

— Шу йилнинг 23 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари аграр тармоққа ажратилаётган инвестициялардан тўғри фойдаланиш, юқори натижа берадиган лойиҳалар ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган бу галги видеоселектор йиғилиши Жаҳон банки иштирокидаги "Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" лойиҳасини амалга оширишга бағишланди.

Унда асосан Жаҳон банки томонидан ажратилган 500 миллион доллар миқдоридаги кредит маблағларини ўзлаштириш бўйича шакллантирилган лойиҳалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари бу борада олдимизга жуда катта вазифаларни қўйди. Жаҳон банкидан олинган кредитни ўз вақтида қайтариш учун самарали ва истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқишда фанни ривожлантиришга, илғор технологияларни жорий этишга устувор аҳамият қаратилди.

Хусусан, вазирлигимиз олдига илмий-тадқиқот муассасалари ва ихтисослашган марказларни академик Маҳмуд Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳудудида жойлаштириш, лаборатория ускуналари ва техникалар билан таъминлаш, вилоятлардаги қишлоқ хўжалиги коллежлари негизида уларнинг филиалларини ташкил этиш бўйича вазифа қўйилди.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 август куни энергетика, транспорт, коммунал хўжалик ва тиббиёт соҳаларида давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Бюджетга юкни камайтириш ва йирик лойиҳаларга хусусий секторни жалб этиш мақсадида 2018 йили Давлат-хусусий шериклик агентлиги ташкил этилган эди, бу борада алоҳида қонун ва 10 дан ортиқ қарорлар қабул қилинди.

Электр энергияси ва табиий газни истеъмолчиларга сотишда давлат-хусусий шерикликни жорий этиш топшириғи берилди. Фақат шу орқали ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар ўртасида рақобатни таъминлаб, таннарх ва йўқотишларни камайтириш мумкин.

Транспорт ва логистика тармоғи ҳақида гап кетар экан, ушбу соҳада ҳам амалга оширилаётган ишлар умуман қониқарли эмаслиги қайд этилди.
Соҳани ривожлантиришнинг кейинги даврида 27 миллиард доллар талаб этилиши маълум қилинди.

Коммунал хўжалик соҳасидаги лойиҳалар ҳам синчиклаб кўриб чиқилди. Тармоқда ислоҳотлар деярли кўринмаётгани, бу борада сусткашликка йўл қўйилаётгани қайд этилди.

Бугунги кунда Қамчиқ довони орқали Тошкентдан Андижонга бориш учун тирбандликлар сабабли 5-6 соат вақт сарфланади, 22 минг автомобиль ўтади. Бу кўрсаткич келгуси 5 йилда 40 мингга етади. "Тошкент — Андижон" пуллик автомобиль йўли ишга тушган тақдирда масофани босиб ўтиш 3 соатгача қисқаради, транспорт ҳаракати эса 70 фоизгача ошади.



Шунга қарамасдан, ҳозирги кунга қадар энергетика, тиббиёт, коммунал хўжалик соҳаларида ҳаммаси бўлиб бор-йўғи 9 та йирик давлат-хусусий шериклик лойиҳалари имзоланган. Бу кўрсаткич жуда ҳам паст, деди давлатимиз раҳбари.

Халқаро экспертларнинг таҳлилига кўра, Ўзбекистондаги мавжуд аэропортларни модернизация қилиш учун ўртача 800 миллион доллар талаб этилади. Шу муносабат билан, Жаҳон банки билан биргаликда Тошкент, Бухоро, Фарғона ва Урганч аэропортларини "пакет принципи" (зарар билан ишлаётган ҳаво портларини фойда келтираётганлари билан шерикликка бериш) асосида шерикликка бериш бўйича техник топшириқлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.



Фақат 18 та йирик ва ўрта шаҳар учун халқаро молия ташкилотларининг 912 миллион доллари жалб қилинган. Ҳисоб-китобга кўра, барча канализация лойиҳалари учун 2 миллиард 600 миллион доллар талаб қилинади. Хусусий шериклар билан биргаликдаги шаҳар канализацияси модернизацияси ҳам бюджетга енгиллик бўлади, ҳам хизмат сифати яхшиланади.

Ҳозирги кунда 31 та йирик ва ўрта шаҳарлар, 156 та туман марказларининг канализация тизимини қуриш ҳамда модернизация қилиш вазифаси турибди. Канализация тизими Қаршида 45 фоиз, Андижонда 37, Нукусда 30, Наманганда 10 фоизга таъминланган.

Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас, деган пурмаъно ҳикмат бор.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 7 август, 147-сон

Эксклюзив интервью

ЛОЙИҲАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА

ФАННИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА УСТУВОР АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Яна бир муҳим масала, фермерларни тўғридан-тўғри қўллаб-қувватловчи тизим асосида уларга ажратилган кредитларни адолатли тақсимлаш ва имтиёзлар беришдан иборат. Фермерларга ажратилган кредитлар бўлиб-бўлиб тўлаш механизми асосида тақсимланади.

Президентимиз йиғилишда 65 миллион доллар эвазига замонавий агрологистика марказлари ва комплексларини ташкил этиш бўйича ҳам топшириқлар берди.

Юқорида қайд этилган лойиҳалар асосида Жаҳон банки томонидан ажратилган 500 миллион долларлик ҳажмдаги кредит маблағ ўзлаштирилади. Галдаги энг асосий вазифа бу қарзни ўз вақтида қайтариш учун тўғри механизмни йўлга қўйиш ва ташаббускорларга етказишдир.

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Уни кенгайтириш бугунги куннинг энг муҳим вазифаси

Жорий йилнинг 5 август куни Президентимиз энергетика, транспорт, коммунал хўжалик ва тиббиёт соҳаларида давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Бюджетга юкни камайтириш ва йирик лойиҳаларга хусусий секторни жалб этиш мақсадида 2018 йили Давлат-хусусий шериклик агентлиги ташкил этилган эди, бу борада алоҳида қонун ва 10 дан ортиқ қарор қабул қилинди. Шунга қарамай, ҳозирги кунга қадар энергетика, тиббиёт, коммунал хўжалик соҳаларида ҳаммаси бўлиб бор-йўғи 9 та йирик давлат-хусусий шериклик лойиҳаси имзоланган.

Йиғилишда муҳокама қилинган ушбу долзарб масалалар ва уларнинг ижроси юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар хусусида бир қатор вазирликлар раҳбарларининг фикр-мулоҳазаси билан қизиқдик:

Илҳом МАҲКАМОВ,
транспорт вазирининг биринчи ўринбосари:

— Йиғилишда транспорт ва логистика тармоғида амалга оширилаётган ишлар ҳам умуман қониқарли эмаслиги қайд этилди. Соҳани ривожлантиришнинг кейинги даврида 27 миллиард доллар талаб этилиши маълум қилинди.

Мисол учун, бугунги кунда Қамчиқ довони орқали Тошкентдан Андижонга бориш учун тирбандликлар сабабли 5-6 соат вақт сарфланади, 22 минг автомобиль ўтади. Бу кўрсаткич келгуси 5 йилда 40 мингга етади. "Тошкент-Андижон" пулли автомобиль йўли ишга тушган тақдирда масофани босиб ўтиш 3 соатгача қисқаради, транспорт ҳаракати эса 70 фоизгача ошади.

Шу боис, давлатимиз раҳбари Қамчиқ довонида янги тунель қуриш бўйича тендер-лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тендер эълон қилиш муҳимлигини кўрсатиб ўтди.

Йиғилишда темир йўл, авиация, автотранспорт, йўл қурилиши ва бошқа барча йўналишларда яна бир бор мавжуд лойиҳаларни хатловдан ўтказиш, қайта кўриб чиқиб, янги таклифлар тақдим этиш топшириғи берилди.

Шунингдек, мамлакатимиздаги аэропортларни модернизация қилиш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Жаҳон банки билан биргаликда Тошкент, Бухоро, Фарғона ва Урганч аэропортларини "пакет принципи" асосида шерикликка бериш бўйича техник топшириқлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Шерзод ХЎЖАЕВ,
энергетика вазири ўринбосари:

— Йиғилишда барча соҳалар қатори энергетикада ҳам давлат-хусусий шериклик тамойили асосида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари муҳокама қилинди. Имзоланган шартномалар асосида электр станциялари қурилишини жадаллаштириш, хорижий ҳамкорларга мамлакатимизда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун барча зарур шароитларни яратиш, хорижий мутахассисларни пандемия шароитида Ўзбекистонга олиб келиш ҳамда 2020 йил якунига қадар лойиҳалар доирасида ўзлаштирадиган маблағлар миқдорини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Бундан ташқари, давлат-хусусий шериклик тамойили асосида нафақат электр энергиясини ишлаб чиқариш, балки истеъмолчиларга сотишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Электр энергиясининг рақобатли улгуржи ва чакана бозорини шакллантиришда хусусий секторни жалб этиш топшириғи берилди. 2020 йилдан бошлаб биз уч босқичда электр энергиясининг улгуржи ва чакана рақобатли бозорини шакллантирамиз ва хусусий секторни шу ишларга жалб этамиз.

Абдулла АЗИЗОВ,
соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари:

— Йиғилишда соҳада ечимини кутаётган кўплаб долзарб муаммолар ўртага қўйилди ва уларнинг ечими бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасида 270 миллион долларлик 14 та лойиҳани жадаллаштириш тайинланди.

Икки ой муддатда Қорақалпоғистон, Хоразм ва Тошкентда гемодиализ марказларини ташкил этиш бўйича тендерларни якунлаш вазифаси қўйилди. Ушбу лойиҳалар доирасида йилига 1100 беморнинг умрини 10 йилга узайтириш имкони яратилади. Гемодиализ харажатлари учун бюджетдан йилига 100 миллиард сўм ажратилади.

Мамлакатимизда ҳар йили 20 мингдан зиёд онкологик бемор рўйхатга олинади. Йил якунига қадар 2 та радиотерапия марказини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш топшириғи берилди. Шунингдек, йил якунига қадар Нурафшон шаҳрида "қуриш — бошқариш — топшириш" принципи асосида 1 минг ўринли кўп тармоқли клиник шифохона ташкил этиш бўйича лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқиш юклатилди.

Йиғилишда олдимизга қўйилган ушбу топшириқлардан келиб чиқиб, қисқа муддатда тегишли чора-тадбирлар режасини тузиб, вазифаларни белгилаб оламиз.

Олдимизга қўйилган муҳим вазифалардан яна бири давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича ҳозирги вазиятни чуқур ўрганиб, статистик маълумотларни умумлаштирган ҳолда тадбиркорларга аниқ маълумотларни тақдим этишдир. Шунда тадбиркорларнинг давлат-хусусий шериклик асосида ишлашга қизиқиши кучаяди. Бу ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳим туртки бўлади.

"Янги Ўзбекистон" мухбири Баҳор Хидирова ёзиб олди.

Тараққиёт мезони

ИПАК МАЙИН, ЛЕКИН МЕҲНАТИ ҚАТТИҚ

Саидвафо БОБОЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Президентимизнинг 2017 йил 29 мартдаги "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори туфайли соҳада туб бурилиш юзага келди. Қарорга асосан, янги тузилма ташкил этилди. Унинг олдига пилла хомашёсини етиштириш, қайта ишлаш, юқори сифатли ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, дунё бозорига чиқиш каби қатор долзарб вазифалар қўйилди.

— Зиммамиздаги вазифа ўта масъулиятли, илмий, амалий фаолликни талаб қиларди, — деб эслайди "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси раиси Баҳром Шарипов. — Шунинг учун, аввало, уюшма тизимига ҳар томонлама билимли, малакали мутахассисларни жалб этдик. Кенг миқёсли режалар, лойиҳалар билан ишга киришдик. Чунки ипак майин бўлгани билан унинг меҳнати қаттиқ.

Дарҳақиқат, шундай. Бугун эскича, қолоқ усулларда ишлаш вақти ўтди. Эндиликда замонавий тизим, фаол тадбиркорлик, юксак технологияларга таянган ҳолда ишлаш керак. Уюшма ташкил этилган илк даврдаёқ юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида 13 та ҳудудий ва 144 та туман "Агропилла" МЧЖ фаолияти йўлга қўйилди. Ипак қурти боқиш учун озуқа базасини кенгайтириш, уруғчиликни ташкил этиш, пилла хомашёсини қайта ишлаш, ипак маҳсулотлари тайёрловчи корхоналар бунёд этиш, бу борада дунёдаги ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш борасида олиб борилаётган ишларни кузатиб ҳам бугун уюшмада сезиларли ютуқларга эришилганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Жумладан, бугунги кунда унинг таркибида пиллани қайта ишловчи 56 та, ипак қурти уруғи етиштирувчи 9 та корхона ҳамда тут уруғи ва кўчатлари етиштиришга ихтисослашган 22 та хўжалик фаолият кўрсатмоқда. 2017 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Халқаро ипакчилик кенгаши (ISC)га йиғирманчи давлат сифатида аъзо бўлиб кирди.

— Сифатли пилла хомашёси олиш учун, аввало, ипак қуртини рисоладагидек боқиш лозим, — дейди уюшма раиси ўринбосари Миряшин Сагатов. — Шунинг учун ипак қуртлари учун бирламчи озуқа манбаи бўлган тут дарахтларини кўпайтириш, тутзорларни кенгайтириш, парваришлаш энг муҳим масалалар сирасига киради. Жорий йилда мавжуд тутзорларни хатловдан ўтказдик. Натижада республика бўйича 53,2 миллион дона якка тут дарахти ва 45,5 минг гектар тутзорлар мавжудлиги аниқланди ва ҳудудий "Агропилла" МЧЖлар балансига ўтказиб берилди.

Уюшма томонидан 2017-2020 йилларда жами 147,6 миллион туп тут кўчати экилиб, 52 379,2 гектар янги тутзорлар барпо этилди. Тажриба-синов тариқасида оилавий пудрат асосида аҳолига 10,5 минг гектар тутзор бириктириб берилди. Республикадаги мавжуд 5,8 минг гектар эскирган, яроқсиз тутзорларнинг 3,5 минг гектари реконструкция қилинди, 2020 йил якунига қадар қолган майдонларда ҳам шундай ишлар бажарилади. 2017-2019 йилларда оналик тутзорлар 43,3 гектарга етказилди. 2021 йилгача 500 миллион туп тут ниҳол (кўчат) етиштириш белгиланган.

Республикада зотли ипак қурти навларининг йўқолиб кетиши, мавжуд зотларнинг насллилик даражаси назорат қилинмаслиги натижасида маҳаллий навлар сифати пасайиши сабабли хориждан импорт қилинишига тўғри келди. 2017 йилгача республикада мавжуд бўлган 19 та уруғчилик корхонаси ўтган асрнинг 50-60 йилларида қурилган ва улардаги уруғ тайёрлаш омборлари 10-15 йиллаб таъмирланмаган, зарур инвентарлар ва лаборатория буюмлари эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Натижада ипак қурти уруғларининг сифат кўрсаткичлари бузилиб, қуртлик давридаёқ ҳар хил касалликлар пайдо бўлишига олиб келди. 2017 йилда маҳаллий уруғчилик корхоналарида 81,7 минг қути ипак қурти уруғлари тайёрланган бўлса, уларнинг 4,3 минг қутисида пебрина касаллиги спораси борлиги, 22,9 минг қутисида эса уруғларнинг жонланиши 90 фоиздан камлиги аниқланди ва бу уруғлар Ипакчилик илмий-тадқиқот институти томонидан яроқсиз деб топилди.

Уюшма иш бошлаганидан буён юртимизда 4 та қўшма корхона ва 5 та маҳаллий уруғчилик корхонаси янгидан ташкил этилди. Жорий йилда баҳорги мавсум учун улар томонидан 150 минг қути уруғ тайёрланди.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, такомиллаштириш натижасида яқин икки-уч йил ичида ипак қурти уруғи импортига чек қўйилади ва экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади. Маҳаллий ипак қурти уруғи етиштирувчиларни ҳудудларнинг иқлим шароитига мос зотли навлар билан таъминлаш мақсадида Ипакчилик илмий-тадқиқот институти тасарруфида 5 та вилоятда наслчилик ипак қурти станциялари ташкил қилинди. Албатта, олинаётган хомашё ҳам эътиборга молик. 2018 йилда 3 марта пилла етиштириш амалиёти жорий қилинди, натижада 18 минг тонна пилла етиштирилди ва бу 2017 йилга нисбатан 5,5 минг тонна кўпдир. Такрорий мавсумларда ипак қуртини Хитой технологияси асосида 1-3 ёшларида плёнка остида боқиш йўлга қўйилди ва ҳар қутининг ўртача ҳосилдорлиги 40 килограммни ташкил этди.

— "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси аҳолини, айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш борасида ҳам амалий қадам ташламоқда, — дейди уюшма раиси ўринбосари Ҳамид Очилов. — Жумладан, ўтган йили мавжуд озуқа базасидан йил давомида самарали фойдаланиш ва турли иқлим шароитларида тут барги тақчиллигига барҳам бериш, маҳаллий аҳолини йил давомида пиллачилик тармоғида банд этиш мақсадида 4 мавсумда ипак қурти парваришланиб, 19 607 тонна пилла хомашёси етиштирилди. Умуман олганда, уюшма ташкил этилгандан буён тизимда жами 840 мингдан зиёд доимий ва мавсумий иш ўрни яратилди.

Албатта, бугун замон шитоб билан ўзгармоқда. Қай бир соҳани олманг, замонавий билимлар билан қуролланган, юксак салоҳиятли кадрларга эга корхоналар жадал ривожланмоқда. "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси ҳам шу йўлдан оғишмай одимламоқда. Ўтган уч йил ичида 113 нафар мутахассис Хитойнинг Цзянсу ва Шандон вилоятларида зотли ипак қурти уруғи етиштириш, ипак қуртини парваришлаш технологияси йўналишларида уюшма ҳисобидан таҳсил олиб қайтгани фикримиз далилидир.

Тизим корхоналарида ҳозирги кунда ипак толаси, калаваланган ипак ипи, ипак момиғи, ипак гилам, соф ипак толасидан ҳамда ипак ва пахта толалари аралашган матолар тайёрланмоқда. 2017-2019 йиллар давомида корхоналар томонидан янги инновацион тайёр маҳсулот — ипак момиғи, тут чойи, ғумбак ёғи, хитин, хитозан, шунингдек, инсон саломатлиги учун муҳим бўлган ва иммунитетни тикловчи "Ноглюкин" ва юрак-қон томир тизимини мустаҳкамловчи "Қуватин" дорисини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тайёрланган ипак момиғи 100 фоиз экспорт қилинмоқда. Умуман олганда, ўтган йили экспорт ҳажми 72,2 миллион АҚШ долларини (ўсиш суръати 3,4 баробар) ташкил этган бўлса, жорий йилда 73,8 миллион АҚШ доллари (ўсиш суръати 3,5 баробар) миқдорида хорижга ипак маҳсулотлари сотиш режалаштирилган. Бу рақамлар "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси мамлакатимиз ғазнасини валюта тушуми билан бойитишга салмоқли ҳисса қўшаётганидан дарак беради.

Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас, деган пурмаъно ҳикмат бор. Шу нуқтаи назардан, бугун ҳар қандай корхона, ташкилот учун халқаро ҳамкорлик, чет эл инвестицияларини жалб этиш муҳим масаладир. "Ўзбекипаксаноат"нинг бу борадаги ишлари диққатга сазовор. Жумладан, уюшма томонидан жорий йилда 15,6 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди. Қолаверса, ишлаб чиқаришда юксак, замонавий технологияларни қўллаш, маҳсулотни жаҳон андозларига мослаш борасида ҳам хорижий тадбиркорлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Айни кунларда "Ўзбекипаксаноат" томонидан БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) ва Саноатни ривожлантириш ташкилоти, Германия (GIZ) ва Япониянинг (JICA) ҳамкорлик агентликлари билан биргаликда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ҳозиргача халқаро даражадаги 15 та кўргазма ва бизнес форум Ўзбекистонда (6 марта), Австрияда (2 марта), Ҳиндистон, Франция, Бельгия, Германия, Нидерландия, Япония ва Хитойда ташкил этилди. Ипакчилик соҳаси ривожланган мамлакатлардан 7 нафар малакали мутахассис тизимни ривожлантириш учун эксперт сифатида таклиф қилиниб, уюшма раисининг маслаҳатчиси сифатида иш олиб бормоқда.

Масалан, германиялик халқаро эксперт Андреас Хансен 2020 йилдан бошлаб 2 йил давомида уюшмада доимий фаолият юритади. Унинг иштирокида қўлда тўқилган гиламчилик соҳасини ривожлантириш мақсадида Германиянинг "Afghan Bazar Carpet GmbH" йирик гиламчилик компанияси томонидан "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси таркибидаги корхоналар билан биргаликда Андижон, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 3 та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда.

Пиллачилик миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида барқарор ривожланмоқда. Соҳадаги 53 та субъектда кластер тизими жорий этилди. Қайта ишловчи корхоналарда замонавий технологияларга асосланган янги қувватлар ишга туширилмоқда. Бу соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш баробарида кўплаб иш ўринлари яратиш имконини беряпти.

Хусусан, Оҳангарон туманидаги "Jinjuz silk co" корхонаси "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси ва жанубий кореялик инвесторлар ҳамкорлиги асосида бунёд этилган. Қиймати 5,5 миллион долларга тенг лойиҳа учун айнан мазкур туман танланганги бежиз эмас. Иқлими пилла етиштириш учун жуда қулай. Ишчи кучи ва бошқа ресурслар танқислиги йўқ. Ишлаб чиқарилган ипак толаси тўғридан-тўғри Корея Республикасига экспорт қилинмоқда. Ўтган йили 736 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот четга чиқарилган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткични 1,5 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

— Карантин шароитида ишлашнинг ўзига хос мураккабликлари бор, — дейди сармоядор Сунг Сант Ли. — Ўзбекистон ҳукумати бизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаётгани айни муддаодир. Лойиҳамизнинг навбатдаги босқичида ипак толасидан матолар тайёрлаш йўлга қўйилади. Эътиборлиси, "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси томонидан халқаро интернет платформа яратилди. Бу эса, жумладан, бизнинг корхонамиз маҳсулотларини ҳам дунёнинг исталган нуқтасидаги харидорлар сотиб олишига имкон беради.

2020 йил 17 январда Президентимизнинг "Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Қарорда 2020 йилда янги тутзорлар учун ажратиладиган ер майдонлари белгиланди. Шунингдек, ушбу ҳужжат билан 2020-2024 йилларда республика ҳудудларида мелиоратив объектлар атрофида ва қишлоқ хўжалиги ерларида ҳосилдорликни кўпайтиришга йўналтирилган, шамол ва сув эрозияларидан ҳимоялаш учун иҳота тутзорларини барпо этиш прогноз параметрлари тасдиқланди.

Ҳужжатда белгиланган йилларда жами 12 минг гектардан зиёд майдонда иҳота тутзорлари барпо қилиниши кўзда тутилган. Қарор билан, шунингдек, 2020-2025 йилларда ипак қурти парваришлаш ва тирик пилла хомашёси етиштиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари ҳам тасдиқланган. Шунга асосан, жорий йилда республика бўйича жами 21 минг тонна пилла етиштириш назарда тутилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси қисқа даврда амалга оширган ишлар, қўлга киритган ютуқлар кўнгилни қувонтиради. Олдинда эса янада масъулиятли вазифа ва марралар турибди. Уларни амалга оширишнинг йўл харитаси тараққиёт манзилларига етаклайверади.

Инновация

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ — ТАБИИЙ РИВОЖ

Азимжон НАЗАРОВ,
инновацион ривожланиш вазири ўринбосари

Илм-фан ва юқори технологиялар жадал ривожланиб, тўртинчи саноат инқилоби томон олиб бораётган глобаллашув даврида барча мавжуд иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва сиёсий хавфларни олдиндан бартараф этиш ва, энг асосийси, ривожланган давлатларга интеллектуал қарамликдан ҳимояланиш ҳар бир давлатнинг энг асосий стратегик муҳим вазифаларидан биридир.

Дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакатида стратегик лойиҳалаштириш, информацион рақамли технологиялар ва бошқа кўплаб соҳаларда консалтинг хизматларини кўрсатувчи Ирландиянинг Accenture компанияси таҳлилларига асосан, катта йигирматалик мамлакатлар рўйхатидаги давлатлар (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония ва Жанубий Корея) сунъий интеллектнинг ўсиш суръатини 2035 йилга қадар икки баравар ошириш салоҳиятига эга. Бу ушбу давлатларнинг сунъий интеллектни иқтисодий ривожланиш ва давлат бошқарувини такомиллаштиришдаги асосий воситаларидан бири, дея эътироф этилмоқда.

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг 2019 йили эълон қилган маълумотига кўра, 1960 йилдан 2018 йилга қадар сунъий интеллект билан боғлиқ 340 000 та патент олинган ва 1 636 649 та илмий мақола чоп этилган.

2002–2017 йиллар оралиғида сунъий интеллект соҳасида чоп этилаётган мақолаларнинг йиллик ўсиш суръати 5,6 фоизни ташкил этмоқда. Олинган патентлар сонининг йиллик ўсиш суръати эса қарийб 28 фоизга етяпти.

Иқтисодиёт тармоқларига жорий этиладиган технологиялар классификациясида сунъий интеллект деструктив турга мансуб бўлиб, жаҳон бозорига аввалда мавжуд бўлмаган, тубдан янгиланган ва янги қийматга эга бўлган маҳсулотларни олиб киради.

Илмий тадқиқот фаолиятини, хусусан, сунъий интеллектни ривожлантириш соҳасида дунёдаги йирик компанияларнинг ҳиссаси катта. Ҳозир, асосан, IBM, Microsoft, Toshiba, Samsung, Toyota, Intel каби йирик глобал компаниялар сунъий интеллектга алоҳида аҳамият қаратмоқда.

Бугунги кунга қадар жаҳон мамлакатлари томонидан сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича еттита халқаро, элликдан ортиқ миллий стратегия қабул қилган.

2017 йилга нисбатан миллий сунъий интеллект стратегиясини эълон қилган мамлакатлар сони саккиз баравар ортди. 2017 йилда Канада, Сингапур, Бирлашган Араб Амирлиги, Финляндия, Япония ва Хитойда миллий сунъий интеллект стратегиялари ишлаб чиқилган бўлса, 2019 йилда бу рўйхатдан кўплаб бошқа давлатлар ҳам ўрин эгаллади. Бунга Италия, Тунис, Буюк Британия, АҚШ, Швеция, Мексика, Европа Иттифоқи, Дания, Франция, Австралия, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва Германияни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ўзбекистон ҳам глобаллашув жараёнининг бевосита иштирокчиларидан биридир. Бу оқимдан четда туришнинг имкони йўқ. Ҳар бир мамлакат бу жараёндан ижобий манфаатланиши, бор имконияти билан унинг салбий оқибат ва хавф-хатаридан ҳимояланиши лозим.

Юртимизда инсон капиталини ривожлантириш ҳамда 2030 йилга қадар инновацион ривожланган элликта мамлакат қаторидан ўрин эгаллашини таъминлаш учун Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 2021–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Стратегия лойиҳасида сунъий интеллект соҳасида миллий илмий тадқиқот ва ривожлантириш фаолиятини тизимли тарзда йўлга қўйиш ҳамда таълимни самарали ислоҳ этиш асосий мақсад этиб белгиланди.

Ушбу соҳада 2021-2022 йиллар учун сунъий интеллектни ривожлантиришнинг фундаментал асосларини ишлаб чиқиш ва мақсадли тизимлаштириш вазифалари белгиланди. Унда сунъий интеллектни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларида илмий тадқиқотчилик фаолиятини тизимли тарзда ташкил этиш, сунъий интеллект соҳасида таълим соҳасини самарали ислоҳ этиш ҳамда илм-фан ва таълимда халқаро ҳамкорликни жадаллаштириш кўзда тутилган.

Сунъий интеллект технологиялари ёрдамида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, глобал чақирувларга рационал ечимлар тўпламини таклиф этиш ва сунъий интеллект соҳаларида кадрларнинг илмий ҳамда интеллектуал салоҳиятини оширишда 2021-2022 йиллар учун Ўзбекистонда сунъий интеллектни ривожлантиришнинг тўртта асосий устувор йўналиши белгиланди.

Улар меъёрий-ҳуқуқий ва ахлоқий муносабатларда фундаментал асосларни тартибга солиш, ахборотлашган жамиятни босқичма-босқич шакллантириш, кадрлар тайёрлашда таълим ислоҳотлари ва илмий тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш, рақамли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва смарт индустриядир.

Ўзбекистон Республикасида сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияси лойиҳасида кўзланган мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг халқаро майдондаги илмий-техник ва инновацион фаолиятидаги нуфузини оширишда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Тадбиркорлик

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР

Уларда экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиляпти

Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугун мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 21 декабрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз топшириғига асосан, эркин иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, хориждан юқори технологик ускуналар харид қилиш учун зарур чоралар кўрилган.

Масалан, кичик саноат зоналарида дирекциялар ташкил этилиб, кредит олиш ва банк хизматларидан фойдаланишда муаммо бўлмаслиги учун ҳар бир зонага муайян тижорат банки бириктирилган. Шу билан бирга, бозор талаблари ва импорт номенклатурасини ўрганиш асосида тадбиркорлар учун таклифлар, истиқболли лойиҳалар рўйхати шакллантирилган.

Бугунги кунда эркин иқтисодий зоналарда бир қатор лойиҳалар амалга оширилиб, улар доирасида нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлган енгил саноат, кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, электротехника буюмлари, замонавий қурилиш материаллари, мебель ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Хусусан, Ургут эркин иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган аксарият корхоналар айни пайтда импорт ўрнини босувчи, кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган замонавий-маиший техника воситаларини ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келмоқда.

Мазкур иқтисодий зонада 2 йил олдин фаолиятини бошлаган “Sam elektro servis” МЧЖ бугунга келиб 35 турдан ортиқ электр жиҳозлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Мазкур инвестицон лойиҳа 6,2 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, корхона маҳсулотларининг 40 фоизини экспорт қилади.

2020 йилнинг ўтган даври мобайнида 600 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт амалга оширилди. Жумладан, тадбиркорлар маиший электр техника жиҳозларини Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон, Озарбайжондаги буюртмачиларга етказиб беришди. Ҳозирги кунда дунёдаги эпедимиологик вазият туфайли экспорт бироз камайган бўлса-да, ишлаб чиқариш суръати пасайгани йўқ. Корхонада экспорт учун буюртмалар тайёрлаб қўйилмоқда.

— Шу ўринда айтиш керакки, айни пандемия даврида ёш йигит-қизларнинг иш билан таъминланганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади, — дейди корхона ишчиси Дилором Эргашева. — Биз ҳар куни 350-400 тадан кўп газ плита, 400-500 дона элекр печи ва бошқа замонавий-маиший техника воситаларини тайёрлаяпмиз. Яқинда ишлаб чиқарилган газ плитамиз ҳам синовдан ижобий ўтди. Менинг бу ердаги вазифам панжараларни қадоқлаб, қутиларга жойлаштиришдан иборат.

Дарҳақиқат, “Sam elektro servis” МЧЖ давлат томонидан берилаётган имтиёзлар туфайли фаолиятини кенгайтириб, маҳсулотлар сифатини ошириб бормоқда. Масалан, жорий йил якунига қадар маҳаллийлаштириш дастурига асосан электр печлари учун ойнали эшиклар, газ плиталарнинг устига қўйиладиган панжаралар ва пласмасса деталларни ҳам шу ернинг ўзида ишлаб чиқаришни режалаштирган. Эътирофга лойиқ жиҳати, мазкур истиқболли янги лойиҳа маҳсулот таннархининг пасайишига олиб келади. Қолаверса, жамият раҳбарлари 2021 йилдан бошлаб кир ювиш машинаси, совуткичларни ҳам ишлаб чиқаришни режалаштирган.

— Бугун Туркия технологияси асосида янги дизайнли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳаракат қиляпмиз, — дейди корхона муҳандиси Мурат Буюк Ўжал. — Ўзим Туркиянинг “Simfer” фирмасида ишлаб тажриба орттирганман. Бизда бу борада қандай ишлар амалга оширилган бўлса, бу ерда ушбу тажрибам асосида фаолиятимни давом эттиряпман. Қувонарлиси, маҳсулотларни Туркияга ҳам экспорт қилса бўлади.

— 2020 йилга келиб корхона ишлаб чиқаришини янада кенгайтириш, маҳаллийлаштириш кўрсаткичларини бойитиш мақсадида Хитой ва Туркиядан янги турдаги ускуналарни олиб келиб ўрнатди, — дейди “Ургут” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси бўлим бошлиғи Миржаҳон Язданов. — Ҳозирги кунда кўплаб қўшимча деталларни корхонанинг ўзида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхона ўзини модернизация қилиш жараёнида бошқа соҳаларга ҳам маҳсулот, хусусан, автомобилсозлик саноатига деталлар етказиб бериш қувватига эга бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида инвестор ва тадбиркорларга янада кенг имкониятлар яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари очиш аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Долзарб мавзу

ЭНДИ ҚАМИШЛАР ЁҚИЛМАЯПТИ

аксинча ундан деворбоп ва полбоп панеллар тайёрланяпти

Усмонали НОРМАТОВ

Сурхондарёнинг даштлари, канал ва зовурлари, дарё бўйлари ҳамда ботқоқликларида қамиш кўп ўсади. Масалан, биргина Музработ туманининг Амударё билан чегара ҳудудида 24 минг гектардан ортиқ майдонни қамишзор эгаллаган. Уларнинг бўйи уч-тўрт метрдан ошади.

Бундан ташқари, Термиз тумани ҳудудидаги ва Амударё бўйларидаги қамишзорлар майдони ҳам бир неча минг гектардан иборат. Бу ўсимлик ноябрь ойига бориб ўсишдан тўхтайди ва танаси қуриймоқда.

Сурхондарё иқлими жуда иссиқ. Шу боис, маҳаллий аҳоли янги қурган уйлари, молхоналари ва бошқа иморатлари устини шифер ва тунука материаллар билан ёпишдан аввал вассалар устига қамишни қалин тўшаб, лойсувоқ қилади. Қамиш тўшалган иморат ёзда салқин, қишда иссиқ бўлади.

Қамишнинг гул попуги ҳар хил зараркунанда ҳашаротлар қишлаши учун жуда қулай ва иссиқкина ин. Деҳқонлар ва боғбонлар зараркунандалар тухумига қирон келтириш, чегарачилар эса Амударё бўйлари очиқ-ойдин кўриниб туриши учун декабрь ойида қамишларга ўт қўйишарди. Бундан тўрт йил муқаддам ноябрь-декабрь ойларида Термиз ва Музработ туманлари ҳамда Термиз шаҳрига бошқа жойдан келган киши кўчаларда, иморатларнинг том қисми ва далалар атрофи қамишнинг ёниб кул бўлган қириндилари билан тўлиб-тошганини кўриб ҳайратга тушарди. Олис даштлардан қамиш сўхтасини шамол учириб келарди.

Қамиш шундай чидамли ўсимликки, танаси ёқиб юборилгани билан илдизи сувга яқин жойда ёки ботқоқда тургани учун баҳорга келиб яна ўса бошлайди.

Уч йилдирки, Сурхондарёда қамиш ва қамишзорлар ёқилмаяпти, ёқилган қамишлар сўхтаси атроф-муҳитни зарарламаяпти. Чунки вилоят тадбиркорлари қамишдан уй-жой қуришда фойдаланиладиган деворбоп ва полбоп панеллар тайёрлашни йўлга қўйишган.

2017 йилнинг сўнгги чорагида Термиз шаҳридаги “Сурхон саноат қурилиш” компанияси ишбилармонлари компания таъсисчилигида “Surxon KSP-Grand” МЧЖни ташкил этишди. Корхона тадбиркорлар сармояси ҳамда банкдан олинган кредит ҳисобига Хитойдан келтирилган замонавий технология билан жиҳозланди. Термиз шаҳридан ишга жалб қилинган ёшларни хитойлик мутахассислар маҳаллий муҳандислар билан бирга замонавий дастгоҳлар ёрдамида қамишдан қурилишбоп хомашё ишлаб чиқаришга ўргатишди.

Ўтган уч йил орасида корхона ишчи-хизматчилари, муҳандис-техник ходимлари деворбоп ва полбоп панеллар (ДСП) ишлаб чиқаришда бой тажриба тўплашди. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатлилиги, бежиримлиги, арзонлиги ва хорижникидан қолишмаслиги билан ички бозорни тўлиқ эгаллади.

Бугун корхона цехларида тайёрланаётган панеллар республиканинг барча вилоятларига жўнатилмоқда. Термиз шаҳридаги қурилиш моллари билан савдо қилинаётган дўконларда ҳам МЧЖ маҳсулотлари сотилмоқда. Иккинчи йилдирки, ишлаб чиқарувчилар харидорлар талаб ва таклифини инобатга олиб қамиш қириндили панелларни (ДСП) ҳар хил рангдаги ламинацияланган ҳолда тайёрлашни ҳам йўлга қўйишди. Натижада тайёр маҳсулотларга қўшни Тожикистондан ҳам харидорлар кўпаймоқда. Амалдаги йилнинг дастлабки чорагида, яъни ҳали карантин тартиблари жорий қилинмай туриб 2 миллион АҚШ долларилик маҳсулот қўшни давлатга экспорт қилинганди. Карантин юмшатилиб, йўллар очилгач, экспорт ҳажми яна ортади.

Айни пайтда корхона цехларида кечаю кундуз иш тўхтамаяпти. Уч сменада меҳнат қилаётган 200 нафар ишчи сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун ўзаро беллашмоқда.

Корхонада ишчи-хизматчиларга қулай иш шароити яратилган. Ишчиларнинг бир қисми олис туманлардан келишади. Улар учун барпо этилган ётоқхонада барча қулайликлар муҳайё.

Айтиш жоизки, корхона цехларида тайёрланаётган маҳсулотлар хомашёси, яъни қамиш ўтган уч йил мобайнида, асосан, Музработ туманининг чегара ҳудудидаги ботқоқликлар ва Амударё қирғоқларидан ўриб келтиришарди. Ҳар йил ноябрь-декабрь ойларида корхонада зарбдор фронт бошланади. Бу пайтда далаларда пахта терими ва шоли ўрим-йиғими якунланиб, қишлоқ одамлари бўш бўлади. Боз устига, Россияга ишлаш учун кетганлар ҳам қайтишади. Шундай пайтда корхона ишбилармонлари қишлоқдаги ёшларнинг 3-3,5 минг нафарини қамиш ўримига жалб қилади ҳамда бу жараён беш ойдан зиёд давом этади. Йилига 30 минг куб метр қурилишбоп ва мебелбоп панеллар тайёрлаш қувватига эга корхона цехларида йил давомида иш тўхтамаслиги учун етарлича хомашё захирасини жамлаш, қамишларни қуритиш жараёнида минглаб киши банд бўлади.

Музработ туманининг Афғонистонга чегарадош ҳудуди билан Термиз шаҳри оралиғи 120 километрдан ортиқ. Ўриб қуритилган қамишларни техникаларга юклаш ва олис масофадан ташиб келиш харажатлари, табиийки, тайёрланаётган маҳсулот таннархига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Харажатларни камайтириш ҳамда Сурхондарёнинг чўл ҳудуди ҳисобланган Музработ туманида янги корхона очиш ҳисобига кўплаб ёшларни ишли қилиш мақсадида “Сурхон саноат қурилиш” компанияси ишбилармонлари “Surxon KSP-Grand” МЧЖнинг 200 нафар ишчи ишлайдиган иккинчи заводини очиш ҳаракатини бошлашди. Жорий йилнинг ўтган вақти мобайнида янги корхонанинг бинолари қуриб битказилди. Хитойдан замонавий технология жиҳозлари олиб келинди. Пандемия шароити туфайли хитойлик мутахассислар келолмай туришибди. Йўллар очилиши билан дастгоҳлар ўрнатилади ва янги корхона ўз фаолиятини бошлайди. Ўшанда Термиз шаҳридаги “Surxon KSP-Grand” корхонаси учун хомашё захираси Термиз тумани ҳудудидаги ва Амударё бўйларидаги қамишларни йиғиб олиш ҳисобига яратилади.

— Бугун одамларни ишли қилиш, кўпроқ сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб мамлакат иқтисодини юксалтиришга ҳисса қўшиш талаби қўйилмоқда, — дейди “Сурхон саноат қурилиш” компанияси иш бошқарувчиси Бахтиёр Рўзиев. — Афсуски, бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳар ойда деярли тўрт-беш кун иш жараёнини тўхтатишга мажбур бўляпмиз. Корхонамиз цехларидаги дастгоҳлар замонавий, бот-бот тўхтатиларверса, тез ишдан чиқади, боз устига, тўхтаган дастгоҳларни яна ишга қўшиш учун қўшимча ёнилғи-мойлаш материаллари ҳамда электр энергияси сарфланади. Қамиш қириндили ламинацияланган (ДСП) панеллар тайёрлаш учун саккиз турдаги кимёвий қўшилма ҳамда елимдан фойдаланилади. Елим тайёрлашда формалин моддаси жуда зарур. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун корхонамизга бир ойда камида 150 тонна формалин моддаси зарур. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 апрелдаги қарорига асосан, формалинни “Навоийазот” АЖ таъминлаб бериши керак. Бу корхона билан шартнома тузилган. Бироқ ҳамкорларимиз шартнома шартларини тўлиқ бажаришмаяпти ва натижада ҳар ойда ишимизда тез-тез тўхталишлар бўляпти. Яқинда худди шу сабаб МЧЖда иш тўхтади ҳамда ишчиларимизни икки ҳафта пул тўланмайдиган мажбурий таътилга чиқариб юбордик. Тасаввур қилинг, пандемия шароитида 200 нафар кишининг ишсиз, маошсиз қолиши, ҳар бир ишчи қарамоғида ўртача тўрт нафар киши борлигини ҳисобга олганда, қарийб минг нафар одамнинг турмуш кечириши мушкуллашди, деганидир. “Навоийазот” АЖ раҳбарияти билан ўтказилган музокараларга қарамай, икки ҳафта орасида формалин таъминотида узилиш бўлди. Шунинг учун россиялик тадбиркорлар билан алоқа ўрнатиб, формалин етказиб бериш бўйича валюта ўтказиб беришга мажбур бўлдик. Бу орада “Навоийазот” АЖ захира маҳсулотини жўнатди. Корхонамиз цехларида яна иш бошланди. Пандемия шароити туфайли ҳозирча Россиядан формалин моддаси келмай турибди. Нари борса бир ой ичида етиб келади. Айни пайтда ушбу масалага оқилона ечим топиш борасида саъй-ҳаракат қилинмоқда.

Халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар — саховатлилик, мурувват ва инсонпарварлик асосида эзгу амалларнинг кўрсатилиши, ўйлаймизки, ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 7 август, 147-сон

Саломатлигимиз посбонлари

БЕМОР КЎЗИДАГИ ҚУВОНЧ

ҳар қандай чарчоқ ва машаққатни енгади



Зиё СИРОЖ, журналист

Саидахон Ортиқова Андижон шаҳридаги юқумли касалликлар шифохонасида 31 йилдан буён меҳнат қилар экан, ўтган давр мобайнидаги фаолияти бир ёну, бугунги кундаги пандемия давридаги фаолияти бир ён бўлди. Юқумли касалликларни даволаш билан боғлиқ иши боис бу янги вирусни бартараф этиш осон бўлмаслигини тушуниб турарди.

— Кўпчилик "Коронавирус билан касалланган беморларни даволашда иштирок этишдан қўрқмадингизми?" деб сўраяпти, — дейди ҳамшира. — Нега қўрқишим керак? Мен қўрқсам, сиз қўрқсангиз, ким даволайди бу дардни? Кимдир юрак ютиб шу ишга киришиши керак-ку ахир? Юзлаб, минглаб инсонлар тақдири билан рўбарў келсангизу ўзингизни қандай четга олишингиз мумкин?

Саидахон опа учун дастлабки кунлар осон бўлмади. Боиси, коронавирусни юқтириб олган беморлар руҳиятида кескин ўзгаришлар юзага келган, уларни умидлантиришнинг ўзи бўлмасди. Бундай чоғда ҳар бир беморга дилдош бўлмоқ, ширинсуханлик билан уларга умид бағишламоқ тиббиёт ходимининг бурчидир. Шундай пайтлар ҳам бўлдики, айрим беморларни тинчлантириш

учун руҳшуносларни чорлашга тўғри келди.

— Коронавирус пайдо бўла бошлаган илк даврларда айрим давлатлардаги беморларнинг аянчли ҳолатлари акс этган лавҳалар бутун ижтимоий тармоқни ларзага келтирди, — дейди Саидахон Ортиқова. — Аслида вазият бу қадар кескинлашмаслиги мумкин эди. Гап шундаки, дастлаб тажриба йўқлиги туфайли кўплаб мамлакатларда беморларни даволашда камчиликларга йўл қўйилди. Ана шуларни ҳисобга олиб Ўзбекистонда эса тўғри йўл танланди. Беморлар учун барча шароит яратилди, ҳатто бепул дори воситалари билан таъминланди. Касалликдан тузалган беморлар ҳам муайян муддат кузатувга олинди.

Ҳамширалик Саидахоннинг умр мазмунига айланган. У бугун шифокорлар йўриқномаси асосида фаолият юритиб, кўпчиликнинг қувончига шерик бўлиб келмоқда. Шу боис у 2019 йилда "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

— Бемор ишончи ҳамшира учун энг катта мукофот! — дейди қаҳрамонимиз. — Беморнинг бир оғиз "Раҳмат сизга! Сиз туфайли шифо топдим", деган гапи барча чарчоқ ва машаққатларни енгади. Илоҳим, ҳар доим беморлар қувончи ва миннатдорлигига сабабчи бўлиш насиб этсин! Юртдошларимиз бемор бўлмасинлар, бу оғир дардни ҳам биргаликда, ҳамжиҳатликда енгиб ўтайлик!

Дарҳақиқат, тиббиёт соҳасида хизмат қилаётган ҳар бир ходимни бугунги кун қаҳрамони, дейиш мумкин. Ўзингиз тасаввур қилинг, ўзимиз жонимизни хатарга қўйишдан чўчиб, уйимиздан чиқмай ўтирган айни пайтда тиббиёт ходимларининг ҳар бири жанг майдонидаги жангчи каби меҳнат қиляпти. Биз эса уларни ҳар қанча олқишласак, улуғласак арзийди.

Муносабат

МОДДИЙ ЁРДАМЛАР МАНЗИЛИГА ЕТИБ БОРЯПТИ

Бунда жамоатчилик иштироки ва назорати муҳим ўрин тутади

Раъно ТУРДИБОЕВА,
халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутати

Жамият ҳаётидаги энг долзарб, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик назорати муҳим роль ўйнайди. Айнан жамоатчилик назорати орқали давлат ва жамият ўртасидаги очиқлик ва шаффофликка эришилади.

Мамлакатимизда коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш учун турли чора-тадбирлар белгиланмоқда. Бу чора-тадбирлар кечиктирилмасдан ва тезкорлик билан амалга оширилаётгани боис гоҳида аҳоли ўртасида турли хил тушунмовчиликлар, норозиликлар келиб чиқяпти. Бу эса айни вақтида ижтимоий тармоқларда ўз аксини топмоқда – ушбу маблағлар ўз эгасини топиб бериляптими, буни ким назорат қилади, деган иддаолар пайдо бўлмоқда.

Бунга жавобан тегишли давлат органлари ўзлари масъул худудларда мониторинглар олиб бораётганлигини ва бу давлат билан жамият ўртасидаги ижтимоий шерикликнинг энг муҳим ҳалқаси эканлигини таъкидлаш зарур. Айни пайтда "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида муҳтож оилаларга берилаётган моддий ёрдам ва рағбатлантиришларнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар доимо ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали ёритиб бориляпти.

Вазирлар Маҳкамасининг коронавирус пандемияси даврида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020 йил 29 июлда чиқарилган фармойишига асосан, "Саховат ва кўмак" жамғармаси орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий ёрдам тарқатилди. Бунинг учун Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан жами 150 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. Жумладан, Тошкент вилоятига 10 миллиард сўм ажратилди. Шу муносабат билан Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутатлари Қибрай туманида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий ёрдамнинг жойларда ҳаққоний ҳамда манзилли етиб борганлигини ўрганиб чиқди.

Дастлабки маълумотларга кўра, Қибрай туманида кам таъминланган 1 224 киши рўйхатга олинган бўлиб, айни кунда уларнинг аксариятини иш билан таъминлаш, моддий манфаатдорлигини ошириш орқали "темир дафтар"дан чиқарилди. Шу боис, ўта эҳтиёжманд бўлган 349 нафар оилага 271 миллион 500 минг сўм ёрдам пули тарқатилди. Хусусан, 3 нафаргача фарзанди бўлган 155 та оиланинг ҳар бирига 500 минг сўмдан жами 62 миллион 500 минг сўм, 4 нафар ва ундан ортиқ фарзандни вояга етказаётган 194 та оилага 1 миллион сўмдан жами 194 миллион сўм нақд пуллар берилди.

Шунингдек, аҳоли билан суҳбат жараёнида ҳудудлардаги сайловчиларнинг турли саволларига ҳам жавоб беришга тўғри келди. Жумладан, Президентимизнинг 2020 йил 30 июлдаги "Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бўйича "бизнинг маҳаллада пул маблағлари тарқатиб бўлинди, бироқ эҳтиёжманд бўлсак-да, бизнинг оиламизга берилмади", мазмунида кўплаб саволлар айтилди. Шу ўринда таъкидлаш зарурки, мазкур фармонда назарда тутилган пул маблағлари ҳали тарқатилмаган бўлиб, айни пайтда мутасадди ташкилотлар томонидан тегишли рўйхатлар қайта кўриб чиқилмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш зарурки, пандемия туфайли давлат халқни қўллаб-қувватлашга, моддий рағбатлантиришга ҳаракат қилмоқда. Аслини олганда айни мураккаб даврда ҳаммани рози қилишнинг иложи йўқ. Аммо ижтимоий тармоқлардаги битта-иккита негатив ҳолатларни деб давлат бу хайрли ишлардан тўхтаб қолмагани каби аҳоли ҳам бундай ноаниқликлардан тезда нотўғри хулосага келиши ўринли эмас. Давлат билан халқ ўртасидаги барча муносабатлар очиқ, шаффоф ва ҳаққоний бўлиши, бунда эса жамоатчилик иштироки муҳимдир.

Саховат

ЭЗГУ ҚАДРИЯТЛАРГА БЕФАРҚ ЭМАСМИЗ

Истамжон ҲАМРОЕВ,
"ВАҚФ" хайрия жамоат фонди
Навоий вилояти филиали раҳбар в.б.
Кармана туманидаги "Қосим Шайх" жомеъ масжиди имом-хатиби ноиби



Бутун дунёда юз бераётган коронавирус пандемияси шароитида юртимизда ҳам аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш, эпедимияга қарши кураш борасида барча зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, карантин шароитида ижтимой ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Президентимизнинг "Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони эса бу хайрли тадбирларни амалга оширишда дастуриламал бўлди.

Фармон асосида "Вақф" хайрия жамоат фондига ажратилган 150 миллиард сўм маблағ диний соҳа фаолиятини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга йўналтирилади. Шу маънода айтганда, ушбу моддий рағбат барчамизга кўтаринки кайфият улашиши билан бир қаторда, диний соҳа ходимлари зиммасига катта масъулият ва мажбуриятларни ҳам юклайди.

Жумладан, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ҳузуридаги "Вақф" хайрия жамоат фонди айни пайтда кўплаб савобли тадбирларни амалга оширмоқда. Карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож, вақтинча даромадидан айрилган фуқароларимизга моддий ёрдам тарзида озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, дори-дармон хариди учун пул маблағи тарқатди. Биргина вилоятимиз бўйича 40 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оила, 100 нафар имконияти чекланган ногирон ҳамда 40 нафар чин етим фонд томонидан моддий қўллаб-қувватланди. 20дан зиёд беморнинг даволаниши учун моддий кўмак кўрсатилди.

Президентимиз фармонининг диний соҳа вакилларини моддий рағбатлантириш ҳақидаги банди асосида 100 га яқин диний соҳа ходимига пул маблағи берилди. Шунингдек, ҳайит муносабати билан 200 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқарога қурбонлик гўштлари тарқатилди.

Бундан ташқари, хайрия жамоат фонди вилоятимизда мавжуд муқаддас қадамжо ҳамда зиёратгоҳларнинг ободлиги йўлида ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Нурота туманида жойлашган "Чашма" ҳамда "Чуя" мажмуаларига қарийб 300 миллион сўмдан ортиқ маблағ қурилиш-таъмирлаш ишлари учун тақдим этилди.

Халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар — саховатлилик, мурувват ва инсонпарварлик асосида эзгу амалларнинг кўрсатилиши, ўйлаймизки, ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди. Аксинча, янгидан-янги савоб ишларга ундайди. Бу каби хайрли тадбирларни келгусида ҳам давом эттириш йўлида астойдил ҳаракат қиламиз.

Тиббиёт

Туманларда Call-марказлар

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ

Қорақалпоғистоннинг Беруний тумани тиббиёт бирлашмасида COVID-19 бўйича Call-марказ ишга туширилди. Call-марказнинг малакали шифокорлари томонидан уй шароитида даволанаётган беморларга белгиланган стандартлар асосида маслаҳатлар бериб борилмоқда.

"Инфекция юқишидан ўзингизни ва яқинларингизни асранг. Биз сизнинг саломатлигингиз учун ҳамиша қайғурамиз. Ҳар бир қўнғироғингиз диққат-эътиборимизда". Мазкур шиор билан ишлаётган марказ ходимларининг қўли-қўлига тегмасдан, телефон орқали мурожаатларни қабул қилмоқда.

— Бир кунда 150-160 та қўнғироқ бўляпти. Шундан 40-50 таси уй шароитида даволанаётган беморлардан, — дейди Call-марказ раҳбари Шуҳрат Аҳмедов. — Бундан ташқари, юқумли касалликлар бўлимида муолажа олаётган беморлар учун ZOOM дастури орқали республиканинг энг малакали шифокорларидан масофавий маслаҳат олиш тизими ҳам йўлга қўйилган.

Яна бир гап. Куни кеча Қорақалпоғистоннинг энг чекка туманларидан бири Тахтакўпирда ҳам COVID-19 бўйича Call-марказ ўз ишини бошлади.

Жараён

УЛАР ҚИШНИ БАРЧА ҚУЛАЙЛИККА ЭГА ЯНГИ УЙЛАРДА КУТИБ ОЛИШАДИ

Рўзимбой ҲАСАН

Пандемия туфайли эълон қилинган карантин шароитида айрим соҳаларда иш режими ўзгаргани ҳеч кимга сир эмас. Қурилиш соҳасига эса бу чекловлар дахл қилмади. Бошқача айтганда, юртимиздаги бунёдкорлик жараёни ҳар қандай шароитларда ҳам тўхтаб қолгани йўқ.

Бу, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оилалар учун қурилаётган турар жойларга тегишли.

Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижроси юзасидан "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияларига аҳолининг кам таъминланган қатлами манфаатларидан келиб чиқиб арзон уй-жойлар ҳамда кўп квартирали уйлар қуриш, қишлоқ жойларни шаҳар қиёфасидан қолишмайдиган даражада ўзгартириш, шу билан бирга, соҳага янги архитектура ва техник ечимларни жорий этиш ва шу орқали аҳолининг уй-жой маиший шароитларини яхшилашга қаратилган вазифалар юклатилганди.

— Вилоятимизда жорий йилда қишлоқ жойларда 480 хонадонга мўлжалланган 20 та кўп қаватли турар жой қуриш режалаштирилганди, — дейди "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК Хоразм вилояти филиали директори вазифасини бажарувчи Жумабой Султонов. — Бундан ташқари, шаҳар ҳудудида 60 хонадонга мўлжалланган иккита кўп қаватли турар жой ҳам қуриляпти. Ушбу уй-жойлардан 275 таси уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилалар, 40 таси оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган ёлғиз аёллар, 25 таси эса ёш оилалар, 140 таси меҳнат мигрантлари, 60 таси ҳарбийлар, Миллий гвардия тизими ва ички ишлар органлари ходимлари учун мўлжалланган. Режадаги ишларимиз карантин шароитида ҳам қатъий жадвал асосида олиб бориляпти. Бу жараёнда фидойи қурувчилар меҳнатларини алоҳида қайд қилиш ўринли.

Қишлоқ жойлардаги кўп қаватли турар жойлар қиймати лойиҳа бўйича 72 миллиард 289 миллион сўмга тенг. Ушбу маблағнинг 10 фоизи уй олмоқчи бўлган фуқароларнинг бадаллари, қолгани эса тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ҳисобига тўғри келади.

Айрим эҳтиёжманд оилаларга дастлабки бадал ҳокимлик ва ҳомийлар ҳисобидан тўлаб берилганини ҳам айтиб ўтиш керак.

Қишлоқ жойлардаги янги турар жойлар қурилишига баҳорда киришилди. Бу орада пандемия боис карантин эълон қилинди. Қурилишлар эса бир кун ҳам тўхтаб қолмади. Ишлар янгича шароитда, карантин талаблари асосида ташкил этилди. 836 нафар қурувчи ва 59 нафар техник ходимнинг соғлиғи муҳофазасига жиддий ёндашилди.

Ҳозир эҳтиёжманд оилалар орзиқиб кутаётган янги уйлар деярли битиб қолган. Асосийси, ғишт териш ишлари тўла бажарилган. Эндиликда уйларнинг том қисми, ташқи ва ички сувоқ ҳамда пардозлаш жараёни давом этмоқда. Ёзнинг жазирамасида ҳам қурувчилар ўз зиммаларига олган вазифаларни сидқидилдан бажаришяпти. Сабаби, вақт кутиб турмайди. Бу уйларнинг барчаси сентябрь ойида эгаларига топширилиши керак. Уйга муҳтожлар куздаёқ янги иморат эгаларига айланишади ва қишни иссиқ, ҳар томонлама қулай уйларда кутиб олишади.

Дарвоқе, қулай шароитлар деганда биноларнинг табиий газ, электр энергияси, ичимлик сув билан таъминланишини эътиборда тутяпмиз. Бешта мавзеда бунёд бўлаётган янги уйларга 3,1 километр ичимлик сув тармоғи, 5,4 километр канализация тизими, 2,8 километр газ қувури, 8,5 километр узунликдаги электр тармоғи тортиш режалаштирилган. "Ўзтрансгаз" АК, "Трансгазинжиниринг" УК, "Хоразм ҳудудий электр тармоқлари" ОАЖ бу ишларни қисқа муддатда, сифатли бажаришга киришганлар. Бошқача айтганда, бу жабҳада ҳам ишлар режа бўйича кетяпти.

Ана шундай арзон уй эгаси бўлиш учун дастлабки бадални тўлаган ва иморати калити оладиган кунларни орзиқиб кутаётган ёш оила вакили билан суҳбатлашамиз. Ў, энг асосийси, интилаётган орзулари қанотида яшаётгани, янги уйга жиҳозлар олиш учун ҳўкиз боқишаётганини айтди. Бу энди фуқароларимизнинг юртимиз келажагига, ўзларининг фаровон ҳаётларига бўлган катта ишончидир.

Президентимизнинг 2020 йил 24 январдаги "Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида жорий йилда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланаётган аҳоли сонини 18 фоизгача етказиш вазифаси қўйилган.

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига

ДУНЁ БИЛАН БЎЙЛАШМОҚДА ЎЗБЕК СПОРТИ

Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

ҚУВОНЧЛИ, ФАРАҲБАХШ КУНЛАР ЯҚИН

Юқорида айтиб ўтганимиздек, мамлакатни дунёга танитишда жаҳон микёсида ўтадиган йирик мусобақаларнинг ўрни беқиёс. Шундай йирик мусобақалардан бири тўрт йилда бир марта ўтказиладиган Олимпиада ўйинларидир.

Мамлакатни дунёга танитишда спортнинг ўрни беқиёс эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Яқин-яқингача бокс деганда одамлар кўз ўнгида Куба гавдаланарди. Шундай эмасми? Футбол Англияда пайдо бўлган, аммо бугун бу миллионлар ўйини ҳақида гап кетса, биз Бразилияни эслаймиз. Канада ва хоккей — қондош, эгизак. Бу гаплардан хулоса шуки, истиқлолга эришгач, спортчиларимиз зиммасига дунё миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиш вазифаси юкланди. Бунинг учун эса мамлакатда спортга эътиборни кучайтириш, кўплаб спорт майдонлари, заллари қуришимиз, етук спортчилар тайёрлайдиган мураббийларни тарбиялашимиз лозим эди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан юртимизда жисмоний тарбия ва спортга эътибор кучайди. Катта шаҳарлар билан бирга туман марказлари, ҳатто қишлоқларда ҳам замонавий спорт майдонлари, стадионлар қурилди. Қурилди эмас, уларда ёшлар, катталар мунтазам шуғуллана бошлади.

Айниқса, сўнгги йилларда спортга берилган эътибор ҳақида алоҳида гапириш лозим. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳудудларга чиққанда, албатта, спорт иншоотларини бориб кўради, у ерда шуғулланаётган ёшлар билан суҳбатлашади. Уларни ўйлантираётган муаммоларга шу жойнинг ўзида ечим топади.

Бундан ташқари, шахсан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан йирик мусобақаларда ғолиб чиққан спортчиларнинг катта пул мукофотлари, автомобиллар билан рағбатлантирилиши атлетларимизни руҳлантирмоқда, янги ғалабаларга ундамоқда.

Шу ўринда спорт мамлакатни дунёга танитишига кичик бир мисол келтириб ўтсам. 2011 йили Мексикада футбол бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлди. Унда ўсмирларимиз жуда ажойиб ўйин кўрсатиб, дунёнинг кучли саккиз жамоаси сафидан жой олди. Бу ерда гап терма жамоамиз эгаллаган ўринда эмас. Ўсмирларимиз шундай чиройли ўйнашдики, узоқ мексикалик ишқибозлар "Ўзбекистон", "Ўзбекистон" деб ўринларидан туриб, уларни олқишлади. Мен бу ҳайқириқларни эшитганимда, мексикалик қизлар стадионга чопиб кириб, ўсмирларимизга гуллар тутганини кўрганимда, спорт ҳақиқатан ҳам мамлакатни дунёга танитишига ишондим. Имоним комилки, футболчиларимиз ўйинидан ҳайратга тушиб, "Ўзбекистон", "Ўзбекистон" дея ҳайқирганларнинг, ҳаяжонга тушганларнинг кўпи дунёда шундай юрт борлигини майдонда жамоамизни кўргандан сўнг билган. Ишонаманки, ўйиндан сўнг уйига борганда, дунё харитасини олиб, ундан Ўзбекистон деган мамлакатни топган.

Яна бир гап. Асрлар давомида мардлик, бағрикенглик, олижаноблик ва ҳалолликнинг тимсоли сифатида эъзозланиб келинган ўзбек кураши бўйича мусобақалар яқин-яқингача фақат тўй ва байрамларда ўтказиларди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг курашимизни жаҳон миқёсига олиб чиқиш учун жуда катта ишлар қилинди. Ўша саъй-ҳаракатлар туфайли бугун "кураш", "ҳалол", "таъзим", "тўхта" ва "ёнбош" каби атамалар халқаро спорт луғати таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллади. 1998 йил 6 сентябрда таъсис этилган Кураш халқаро ассоциацияси айни пайтда сайёрамизнинг бешта қитъасидаги 129 та миллий федерацияни бирлаштирган. Ўзбек кураши тарихда илк бор XVIII ёзги Осиё ўйинлари дастуридан расман ўрин олди. Мақсадимиз уни Олимпиада ўйинлари дастурига киритиш. 2017 йилнинг 2 октябрь куни мамлакатимиз раҳбари имзолаган "Ўзбек курашини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор бу ишни тезлаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Курашимиз, албатта, Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин эгаллайди. Шунда яна ҳам кўпроқ одамлар дунёда Ўзбекистон деган мамлакат борлигини, унинг кураши жаҳондаги энг нуфузли спорт мусобақаси дастуридан жой олганини билишади. Бундай қувончли, фараҳбаш кунлар яқин.

БУ ҲАҚИҚАТ, БУ БОР ГАП

Шу пайтга қадар еттита қишки Олимпиада ўйинларида қатнашган бўлсак, Лина Черязеванинг олтин медали ягоналигича турибди. Ёзги Олимпиада ўйинларидаги иштирокимиз эса анча муваффақиятли. Сўнгги олтита Олимпиадада 7 та олтин, 7 та кумуш ва 17 та бронза медалга эга бўлдик.

АҚШнинг Аталанта шаҳрида ўтган ёзги Олимпиадада биринчи марта алоҳида жамоа сифатида иштирок этиб, битта кумуш, битта бронза медални қўлга киритгандик. Орадан тўрт йил ўтгач, Сиднейда боксчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев терма жамоамиз учун ёзги Олимпиадалардаги дастлабки олтин медални совға қилди. Афинада эса олтин медалларимиз сони иккитага етди.

Айниқса, 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ташкил этилган тўрт йилликнинг энг йирик мусобақасида 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза медалга сазовор бўлиб, норасмий умумжамоа ҳисобида 21-ўринни эгалладик. Боксчиларимизнинг ўзи учта олтин, иккита кумуш ва иккита бронза медални қўлга киритиб, бугун дунёда ўзбек бокс мактаби энг зўр эканини намойиш этди. Ўтган йили Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ташкил этилган бокс бўйича жаҳон чемпионатида умумжамоа ҳисобида ғолиб чиққан чарм қўлқоп усталаримиз "Рио-де-Жанейро – 2016"даги ғалаба тасодиф эмаслигини исботлади. Энди бокс ҳақида гап кетса, Куба эмас, Ўзбекистон тилга олиняпти. Бу ҳақиқат, бу бор гап.

Баъзилар 21-ўринга ҳам мақтаниш, қувониш керакми, деган саволни беради. Албатта қувониш керак. Олимпиадада нечта спортчи, нечта давлат вакиллари қатнашганини бир ўйлаб кўринг. Биз 200га яқин мамлакат спортчилари ўртасида 21-ўринни эгалладик. Айтишга осон. Йигит ва қизларимиз Швеция, Эрон, Аргентина, Греция, Дания, Украина, Польша, Бельгия, Туркия, Чехия, Руминия, Миср каби йирик ва спорти ривожланган давлатларни ортда қолдириб кетди. Собиқ иттифоқ жамоалари орасида Россиядан сўнг иккинчи бўлдик, қитъада Хитой, Япония, Жанубий Корея билан бирга кучли тўрт жамоа сафига кирдик. Ваҳоланки, биз бор-йўғи олтинчи марта Олимпиадада қатнашдик.

ТАСОДИФ ЭМАСДИ

Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида қишки Олимпиада ўйинлари давом этарди. Фристайл мусобақалари ўтаётган майдонда сухандон навбатдаги спортчи номини эълон қилди: "Лина Черязова, Ўзбекистон".

Ишқибозлар ҳам, спорт мутахассислари ҳам мусобақа майдонига кириб келган аёлга беписандгина қараб қўйишди. Айримлар Ўзбекистон деган давлат номини биринчи марта эшитаётган эди. Мамлакатимизни биладиганлар эса икки-уч ойгина қиш бўладиган, чанғи спорти деярли ривожланмаган ўлкадан келган бу спортчи нимани қойиллатар экан, дегандек истеҳзо билан Линанинг чиқишини кузата бошлади.

Аммо... Линанинг шиддатли ҳаракатлари бирдан барчани сергаклантирди, ҳайрон қолдирди. У мураккаб машқларни шундай енгил ижро этдики, ҳакамлар ҳам ҳайратларини яширмади. Унинг чиқиши энг юқори баҳога лойиқ топилди. Лина Черязова мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи Олимпиада чемпиони бўлди. Лиллехаммерда мамлакатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз баланд кўтарилди.

1994 йилги қишки Олимпиада ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар биринчи марта алоҳида жамоа сифатида иштирок этишди ва шундай улкан ютуқ билан юртимизга қайтишди. Буни бемалол улкан ютуқ деб айтиш мумкин. Ахир, дастлабки Олимпиададан буён мунтазам иштирок этиб келаётган, лекин шу пайтга қадар ҳатто бронза медаль ҳам олмаган давлатлар қанча.

Ўша йили Япониянинг Хиросима шаҳрида Осиё ўйинлари бўлиб ўтди. Бу мусобақада ҳам ўзбекистонлик спортчилар биринчи марта алоҳида жамоа сифатида қатнашди. Албатта, Осиё ўйинларида жуда кўп спорт турлари бўйича баҳслар ўтказилади. Лекин мусобақаларнинг энг сараси, энг қизиғи футбол. Футболни бекорга миллионлар ўйини дейишмайди. Шуниси қувончлики, қитъа ўйинларида илк бора қатнашаётган футболчиларимиз кўз кўриб, қулоқ эшитмаган натижани кўрсатишди. Улар ўз гуруҳида Саудия Арабистони, Малайзия, Таиланд ва Гонконгни енгиб, чорак финалга чиққанда, кўпчилик буни оддийгина қабул қилди — рақиблар кучсиз. Кейинги рақибимиз туркманистонликлар бўлди. Омади келди ўзбекистонликларнинг, дейишди. Ярим финалдаги рақибимиз Жанубий Корея термаси эди. Ўзбек футболчилари зўр бўлса, энди ўзларини кўрсатишсин. Уларнинг шу жойгача етиб келишининг ўзи катта муваффақият, катта ютуқ дея баралла айтишди футбол мутахассислари ва ишқибозлари. Биз эса бунга кўнмадик — Жанубий Кореяни ҳам енгдик. Финалда Хитой мағлуб этилди. Эндигина Осиё футбол конфедерациясига аъзо бўлган Ўзбекистон Осиё ўйинлари чемпиони.

Гарчи миллий терма жамоамиз жаҳон чемпионатининг финал босқичига чиқа олмаётган бўлса-да, дастлабки катта мусобақадаги дастлабки катта ғалаба жуда фахрли, эслашга арзийди.

> **2016 ЙИЛИ БРАЗИЛИЯНИНГ РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ШАҲРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТЎРТ ЙИЛЛИКНИНГ ЭНГ ЙИРИК МУСОБАҚАСИДА 4 ТА ОЛТИН, 2 ТА КУМУШ, 7 ТА БРОНЗА МЕДАЛГА САЗОВОР БЎЛИБ, НОРАСМИЙ УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА 21-ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИК. БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ ЎЗИ УЧТА ОЛТИН, ИККИТА КУМУШ ВА ИККИТА БРОНЗА МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТИБ, БУГУН ДУНЁДА ЎЗБЕК БОКС МАКТАБИ ЭНГ ЗЎР ЭКАНИНИ НАМОЙИШ ЭТДИ.**

"HUMO ARENA" ЯНГИ БОСҚИЧНИ БОШЛАБ БЕРДИ

Мақоламиз аввалида қишки Олимпиадаларда фақат биттагина медаль олганимизни таъкидлаб ўтдик. Умуман, бизда қишки спорт ўйинларини жуда ривожланган деб бўлмайди. Бунинг турли сабаблари бор, албатта.

Аввало, ўлкамизда қиш жуда оз давом этади. Иккинчидан, ёшларнинг ҳам, катталарнинг ҳам, ҳаваскорларнинг ҳам, профессионалларнинг ҳам қишки спорт билан шуғулланиши учун иншоотлар нисбатан кам. Шу боис, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимизда муҳташам қишки спорт мажмуаси қурилди. "Humo Arena" деб номланган замонавий муз саройининг фойдаланишга топширилиши Ўзбекистон спорти тарихида янги босқични бошлаб берди.

Ушбу иншоот илғор муҳандислик ва бинокорлик ечимлари, техник жиҳозланганлик даражаси билан бетакрордир. Мажмуанинг 12 минг 500 ўриндан иборат асосий майдони трансформация усулида қурилган бўлиб, қисқа вақтда уни қайта жиҳозлаш, ўриндиқлар сонини ошириш ёки камайтириш мумкин.

Бу хоккей, фигурали учиш, шорт-трек, кёрлинг каби қишки спорт турлари билан бирга кураш, бокс, минифутбол, баскетбол, волейбол, таэквондо бўйича мусоқабалар ўтказиш, шунингдек, концерт, шоу, кўргазма, конференция ва бошқа маданий тадбирлар ташкил этиш имконини беради.

"Ватанимиз спортчилари фигурали учиш, хоккей, тоғ чанғиси, фристайл, сноуборд каби энг томошабоп қишки спорт турларида ҳам муносиб иштирок этишларига интилмоқдамиз. Фристайл бўйича қишки Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатларидаги олтин медаллар, фигурали учиш бўйича Осиё ўйинлари ва бошқа халқаро мусобақаларда қўлга киритилган етмишдан ортиқ медаль бу борадаги ютуқларимиздир. Биз ушбу шонли спорт анъаналарини давом эттиришни бурчимиз деб биламиз", деди Президентимиз спорт саройининг очилиш маросимида.

Юртимизда йирик мусобақалар ўтказишга мўлжалланган бундай спорт иншоотлари кўп. Пойтахтимизда 2012 йили қуриб ишга туширилган "Миллий" стадион Марказий Осиёдаги энг қўркам, энг замонавий спорт мажмуаси ҳисобланади. 34 минг томошабинга мўлжалланган стадион жаҳон талабларига тўла жавоб беради.

Истиқлолимизнинг 29 йиллиги арафасида турибмиз. Ўзбекистон шу қисқа фурсатда барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритди. Спорт соҳасида эришган ютуқ ва ғалабаларимиз ҳам қувонарли. Биз мақоламизда бу ғалабаларнинг мингдан бири ҳақида тўхталдик, холос. Улкан ютуқлар, ғалабалар ҳали олдинда, чунки бугун улар учун замин ҳозирланмоқда. Бошқача айтганда, ўзбек спорти дунё билан бўйлашмоқда.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Олдинда бизни жуда катта мусобақалар кутиб турибди. Уларнинг энг асосийси Японияда ўтадиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинлари. Пандемия туфайли бу нуфузли мусобақа кейинги йилга қолдирилди. Лекин унга тайёргарлик Бразилиядаги Олимпиада тугагандан сўнг бошланган эди.

Тўрт йилликнинг ушбу йирик мусобақасига муносиб тайёргарлик кўриш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Президентимизнинг 2017 йил 9 мартдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриши тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, бугунги мураккаб вазиятга қарамасдан, тасдиқланган дастур асосида иш олиб борилмоқда. Ҳар бир олимпиячи уй шароитида машғулотларга тўлақонли қатнашиши, уларнинг саломатликларини мунтазам назорат қилиш учун махсус дастур ишлаб чиқилган. Улар мунтазам шифокорлар, диетолог ва руҳшунослар кузатувида. Спортчиларимизнинг Олимпия ва Паралимпия ўйинларига муносиб тайёргарлик кўришини таъминлаш мақсадида 13 та спорт тури бўйича 18 нафар хорижлик мутахассис жалб қилинган. Улар ҳудудлардаги ёш ва иқтидорли спортчилар учун онлайн маҳорат дарслари ўтяпти.

Спортчиларимиз ҳозиргача Токио Олимпиадасига 15 та спорт тури бўйича 40 та йўлланмани қўлга киритган. Бундай йўлланмаларни тўғридан-тўғри тақдим этувчи 20 га яқин халқаро мусобақа пандемия туфайли кечиктирилди. Ҳозир Халқаро Олимпия қўмитаси қолдирилган саралаш мусобақаларининг муддатларини кўриб чиқмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги маълумотларига қараганда, спортчиларимиз яна 22 та спорт туридан Олимпия ва Паралимпия ўйинларининг 74 та йўлланмасини қўлга киритиш имкониятига эга.

Албатта, ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Ҳар бир йўлланма ортида тинимсиз меҳнат, эътибор, мураббий ва мутахассисларнинг изланишлари бор.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мақсадимиз фақат турли нуфузли мусобақаларда қатнашиш ва медаллар қўлга киритишдан иборат эмас. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, аввало, халқимиз, миллатимиз соғлиғини таъминлайди. Президентимизнинг 2020 йил 24 январдаги "Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида жорий йилда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланаётган аҳоли сонини 18 фоизгача етказиш вазифаси қўйилган. Аҳоли спорт билан оммавий равишда шуғуллана бошласа, юртимиздан кўплаб жаҳон ва Олимпиада чемпионлари етишиб чиқади.

БЎЛГУСИ ЧЕМПИОНЛАРНИ ХАЛҚ ИЧИДАН ИЗЛАЙЛИК

Кўриниб турибдики, ютуқларимиз бисёр, ғалабаларимиз кўп. Лекин футбол, волейбол, баскетбол, регби, қўл тўпи, хуллас, жамоавий спорт турларини ривожлантириш бўйича қилишимиз лозим бўлган ишлар ҳали анчагина. Аввало, ушбу спорт турлари мутасаддилари соҳадаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиши ва уларни тузатиш йўлларини излаши лозим.

Яна бир гап. Йирик мусобақаларда жуда кўп медаллар спортнинг енгил атлетика, сузиш турларида ўйналади. Бу турларни ривожлантириш, назаримда, жуда катта маблағ талаб қилмайди. Дейлик, турли масофаларга югуриш, узунликка, баландликка сакраш, бешкураш, еттикураш, ўнкураш каби мусобақаларда иштирок этадиган ёшларни изласак, бемалол топса бўлади. Қишлоқларда, шаҳарларда ҳам узунликка сакраш, югуриш бўйича иқтидорли болалар кўп. Фақат мураббий ва мутахассислар жойларга чиқиб, бундай иқтидор эгаларини топиши, уларга тўғри йўналиш бериши керак. Шунда Олимпиада ва жаҳон чемпионатларида қўлга киритадиган медалларимиз сони яна ортади, умумжамоа ҳисобида янада юқори ўринларни забт этамиз.

Сув спорти ҳақида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин. Жойларга чиқайлик, иқтидорли сузувчиларни топиб, тарбиялайлик. Ахир боксмиз ривожига шу йўл билан эришдик-ку.

Бокс бўйича мамлакат чемпионатларига имкон қадар жойлардан кўпроқ боксчиларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу рақобатни кучайтирмоқда ва янги-янги номлар етишиб чиқишига замин яратяпти. Масалан, бугун дунё боксида ўз ўрнига эга бўлган Ҳасанбой Дўсматов андижонлик, Шаҳрам Ғиёсов бухоролик, Муроджон Аҳмадалиев наманганлик, Баҳодир Жалолов сурхондарёлик, Бектемир Меликўзиев фарғоналик, Исроил Мадримов хоразмлик, Элнур Абдураимов ва Санжар Турсунов Тошкент вилоятидан, Бобоусмон Ботуров жиззахлик.

Ҳозир боксчиларнинг аввалги ютуқлари, бир неча йилдан бери терма жамоа аъзоси экани инобатга олинмайди. Яъни ҳар ким ўз кучини, маҳоратини, салоҳиятини кўрсатса, уларга имконият берилади. Бошқача айтганда, терма жамоада ҳеч қайси боксчининг, у қайси амалдорнинг қариндоши ёки таниши эканлигидан қатъи назар, ўрни кафолатланмаган. Хулоса шуки, ким зўр бўлса, мусобақаларда ўша қатнашади. Спортнинг ҳамма турларида шунга амал қилсак, биз бундан ҳам кўпроқ ғалабаларга эришамиз.

Мамлакатимизда пандемия шароитида тизимга тезлик билан масофавий технологиялар жорий қилиниб, 7 миллион ўқувчи ва 500 минг талабага онлайн дарс бериш йўлга қўйилди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 7 август, 147-сон

Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллиги

"ПАДАРКУШ" ДРАМАСИ: ИЛМСИЗЛИК ФОЖЕА

Лутфулло АБДУЛҚОДИРОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси тадқиқотчиси

Ўтган бир аср давомида ёшларимизнинг таълим-тарбиясига ижобий томондан таъсир ўтказа оладиган, тарих зарварақларига муҳрланган бир қанча пьеса, спектакллар яратилди. Албатта, театр – ибрат уйи. Мазкур санъатнинг жозибаси ҳам унинг жонлилигидадир, десак хато бўлмайди. Ана шу боқий санъатнинг энг сара асарларидан бири 1914 йилда Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан ёзилган "Падаркуш ёки ўқимаган боланинг ҳоли" драмаси ҳисобланади.

Муаффар АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

Маҳмудхўжа Беҳбудий мазкур 3 парда, 4 манзарали саҳна асарини 1911 йилда ёзиб тугатган. Пьеса илк бор ҳаваскорлар томонидан 1914 йилнинг 15 январь куни Самарқанднинг янги шаҳар қисмида намойиш этилади. Адабиётшунос олим Миён Бузрук Солиҳовнинг ёзишича: "Озарбайжонлик Алиасқар Асқаровнинг саҳнани тартибга солишда таъсири бўлган. Ҳатто бу ҳақда унинг режиссёрлик вазифасини бажарганини профессор Абдулла Авлоний сўзлаган эди".

Орадан қирқ кун ўтиб, яъни 1914 йилнинг 27 февралида Тошкентдаги "Турон" труппаси ушбу асарни саҳнага олиб чиқиб, томошабинларга тақдим этади. Яна Миён Бузрукнинг сўзларига кўра, "Падаркуш"ни саҳнага қўйиш учун ҳозирлик 1913 йилнинг декабрь ойидан бошланган бўлиб, бу йўлда жадид муаллимларидан Абдулла Авлоний, Муҳаммаджон қори, Низом Хўжаев, Шокир Раҳимий ва бошқалар жиддий киришадилар.

Ғулом Зафарийнинг "Бу спектаклни ўйнашда кавказлик ўртоқларимиздан Алиасқар Асқаровнинг катта ёрдами тегиб, театрни ўйнамоқ усулларини кўрсатиб, режиссёрлик қилди", дея маълумот бергани тарихий манбаларда қайд этилган.

Шундай қилиб, 1914 йилнинг 27 февраль куни ўзбек театр санъатининг туғилиш санаси сифатида тарихга муҳрланди. Шу куни Тошкентнинг янги шаҳаридаги "Колизей" театрининг 2000 кишига мўлжалланган томошахонаси кеч соат 19:00 да томошабинлар билан лиммо-лим тўлди. Спектакль бошланишидан аввал Мунаввaрқори Абдурашидхонов оташин нутқ сўзлади. Тарих саҳифаларини варақлар эканмиз, "Падаркуш" пьесасининг Тошкент труппаси томонидан саҳналаштирилиши кутилгандан кўра аълороқ натижа берганини билиб олишимиз мумкин. Бундай оламшумул воқеа ўша давр матбуотида кенг ёритилди.

1911 йилдан дастлабки ёзма миллий саҳна асарлари яратила бошланди. Жумладан, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Падаркуш ёки ўқимаган боланинг ҳоли", А.Самадовнинг "Маҳрамлар", Фитратнинг "Бир фаранги билан бухоролик бир мударриснинг қилган мунозаралари" фикримизга далилдир. Булар ичида Беҳбудийнинг "Падаркуш" драмаси ғоятда эътиборли бўлди. Асарнинг бош ғояси маърифатни тарғиб этиш бўлиб, муаллиф ўз асари жанрини "фожиа" деб атади.

Унда бир бойнинг ўқимаган боласи бузуқ йўлларга кириб, ўз отасининг ўлимига сабабчи бўлгани аччиқ ҳикоя қилинган. "Падаркуш" асари XX аср бошларида Туркистон халқлари ҳаётининг энг долзарб муаммолари мавзуида ёзилган бўлиб, у жадидчилик мафкурасининг дастури сифатида маърифатпарварликнинг туб сиёсий ва ижтимоий мақсадини ифодалаган. Муаллиф бу пьесада жадидларнинг Туркистондаги ижтимоий тузум, мустамлака зулмига бўлган муносабатларини бой ва унинг ўқимаган ўғли мисолида тасвирлайди.

Чиндан ҳам Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Падаркуш" драмасида маърифатпарварларнинг ижтимоий-маърифий ғоялари ўз ифодасини топган. Асарда бойнинг "бойлик турганда илм-маърифатнинг кераги йўқ" қабилида иш тутиб, ўғли Тошмуродни такасалтанг, ношуд қилиб ўстирганлиги ҳақида сўз боради. Бой илмнинг афзаллиги ҳақида гапирган домла ҳамда тараққийпарвар зиёлини жеркиб ташлайди. Воқеалар ривожи Домла билан Зиёли фикрларининг нақадар тўғрилигини тасдиқлайди. Пьесанинг якунида ўғил шериклари билан ўз отасини тунаш учун келиб, унинг ўлимига сабабчи бўлади.

Асар у қадар катта эмас, сюжети ҳам содда, бироқ муаллиф унга теран маънони сингдира олган: маърифатдан, илм нуридан йироқ бойлар, уларнинг саводсиз жамиятининг якуни шундайдир. Беҳбудий миллат болаларининг илмсиз бўлиб ўсишларига йўл қўймаслик кераклиги, уларнинг илмга интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳақида жон куйдиради. Дунёвий илмларни диний илмлар билан бир қаторда кўришни ҳам фарз, ҳам қарз деб билади.

Пьеса оммага шу қадар таъсир қилдики, кейинчалик кўпчилик бойлар илм йўлида "усули жадид" мактабларини очишда маблағларини ҳам аямадилар. Бу асар бир мактаб, ибрат вазифасини ўтади: халқни огоҳликка чақирди.

"Падаркуш" 1911 йилда ёзилиб, 1913 йилда босилиб чиққанига қарамай, мунтазам театр гуруҳлари бўлмагани оқибатида анча вақтгача саҳна юзини кўрмади. Беҳбудий куйиниб, бундай деб ёзган эди: "...ўйнай турғон одам йўқ, абаски, Туркистонда бекор одам йўққи, халқ учун ишласа. Ва бекор киши йўққи, театр саҳнасига чиқиб, масхарабозлик қилса. (Чунки Туркистонда театрни масхарабозликдан айирмадилар), қачонки масхарабозлик (артистлик) хизматини зиммасига олувчи ўн киши топилса ўйналур".

Драма ҳақида кўпчилик ўз фикрида якдил эътироф этган нарса шу бўлдики, бу саҳна асари ўзбек адабиётида ва театр санъатида янгилик бўлиб, у мазмуни бақувват бўлган, жанр жиҳатидан биринчи янги драма эди. Спектакль уч пардадан иборат бўлиб, биринчи пардада Бой ролини Абдулла Авлоний, Домла ролини Зиёбоев, Зиёли ролини Асомиддин Хўжаев, Хайруллани Хоний; иккинчи пардада Давлатзўр ролини Хоний, Нор Пошшохўжаев, Тангрикул ролини Шоҳ Иноятов, Бойваччани Бадриддин Аъламов, учинчи пардада Бой хотинни Зиёбоев, Домла ролини Ҳусайний жаноблари, Пристав ролини Мирзахонов ижро этганлари ва уларнинг сўзлари томошабинларга кучли таъсир кўрсатиб, халқ ўртасида овоза бўлгани ҳам ўша давр матбуотида чоп этилади.

Биринчи кўриниш бойнинг (бу образни Абдулла Авлоний ижро этган) серҳашам хонада, безатилган дастурхондан тановул қилиб ўтирган ҳолатда бошланади. Бироз ўтиб бойникига Домла меҳмон бўлиб кириб келади. Суҳбат қуриб ўтирганларида бойнинг ўғли Тошмурод кириб келиб, отасидан сарф-харажатлари учун пул сўрайди. Бой ўғлининг қўлига кўп миқдордаги пулни бериб, тил учида: "Ёмон жойларга борманглар, уйга эрта қайтгин", деб насиҳат қилган бўлади. Бунинг гувоҳи бўлган Домла бу ҳолатдан норозилигини ифода қилиб, бунинг ўрнига болани ўқитиш, билим олишга ундаш лозимлигини сўзлайди. Илмнинг хосияти ва келажак учун фойдали эканини айтиб, насиҳат қилади. Лекин бой ўз мол-мулкларининг беҳисоблигини пеш қилиб, давлатманд одамларнинг болаларига ўқишга эҳтиёж йўқ, деган жавобни беради. Худди шу суҳбатга Европа русумида кийинган Зиёли кириб келади ва мунозарага аралашади. Айнан ана шу Зиёли образи спектакль ғоясининг очилишида катта аҳамият касб этади.

Орадан қирқ кун ўтиб, яъни 1914 йилнинг 27 февралида Тошкентдаги "Турон" труппаси ушбу асарни саҳнага олиб чиқиб, томошабинларга тақдим этади. Яна Миён Бузрукнинг сўзларига кўра, "Падаркуш"ни саҳнага қўйиш учун ҳозирлик 1913 йилнинг декабрь ойидан бошланган бўлиб, бу йўлда жадид муаллимларидан Абдулла Авлоний, Муҳаммаджон қори, Низом Хўжаев, Шокир Раҳимий ва бошқалар жиддий киришадилар.

Беҳбудийнинг асар орқали ифода этмоқчи бўлган асосий фикрлари, ғояларини очишда режиссёр айнан ана шу ролдан фойдаланади. Спектаклдаги мазкур образни Низомиддин Хўжаев ижро этган. Зиёли Н.Хўжаев бойга қарата: "Ҳозир янги ва бошқа бир замондир. Бу замонда илм ва ҳунарсиз халқнинг бойлиги ҳам қўлдан кетганидек, ахлоқ ва обрўйи ҳам қўлдан чиқар, англадингизми, бой?" дейди. Лекин бой унинг сўзларини эшитгиси келмагани сабабли ўзини ухлаганга солади.

Спектаклнинг иккинчи саҳнаси ифода воситалари ёрдамида ўта фожиали тарзда тасвирланган. Бу саҳнада бойнинг ўғли Тошмурод отасининг берган пуллари ҳар қанча кўп бўлса ҳам унинг кайфу сафосига етмагани сабабли жиноятчига айланиши ҳикоя қилинади. Қаҳвахонада ичкилик ичиб, маст-алас, такасалтанг ўсмирлар Тошмуродга ўз отасининг пулини ўғирлашни маслаҳат берадилар.

Қаҳвахона кўринишидан сўнг воқеалар бойнинг ҳовлисига кўчади. Бой супада хуррак отиб ухлаб ётибди. Бу ҳолатни Абдулла Авлоний жуда ишонарли ижро этади. Тошмурод — Бадриддин Аъламов уйга пусиб кириб, Тангрикулга уй эшигини очиб беради. Тангрикул ролини Шоҳ Иноятов ижро этган. У қўлида калит, ҳар эҳтимолга қарши темир асбоб ва пичоқ билан қуролланган. У аста юриб бориб, сандиқни буза бошлайди. Шу пайт бой уйқудан уйғониб, дод сола бошлайди. Қўлига таёқни олиб Тангрикулга ташланади. Воқеанинг бундай тус олишини кутмаган Тошмурод билан Тангрикул олишиш жараёнида уни пичоқлаб қўяди. Улар пулни оладилар ва Тошмурод отасини шу аҳволида ташлаб, қаҳвахонага шошилади.

Ана шундай саҳнани ва кечаётган воқеаларни кўрган томошабин фарзанди томонидан ўлдирилган бойнинг аҳволига ачинмайди, балки бу воқеанинг сабабчиси унинг ўзи эканини англаб етади.

Саҳна асарида бир тўда бойваччалар, қаҳвахона хўжайини Артур ва Лизанинг ўта паст, тубан кимсалар экани ёркин очиб берилган. Ана шундай жазавага тушган тўда полиция томонидан қўлга олинади.

Асар муаллифи Маҳмудхўжа Беҳбудий ва спектакль ижодкорлари ўша даврнинг бир қатор катта муаммоларини кўтариб чиққанлар. Шулардан бири Туркистонни мустамлакага айлантирганлар таъсирида ёмон иллатлар ҳам кириб келгани кўрсатиб берилган.

Ўша давр матбуотига асосланган ҳолда тўла ишонч билан айтамизки, спектакль жуда катта муваффақият қозонди. "Ойина" журналининг 1914 йил 22 март сонида Фузоил Жонибоевнинг "Тошкентда миллий театр" номли мақоласи эълон қилинади. Унда актёрлар ўз ролларини муваффақиятли ижро этганлари, айниқса, А.Авлоний ижросидаги бой образи тўлақонли гавдалантирилгани таъкидлаб ўтилади. Шунингдек, "Туркистон вилояти газетаси" ҳам спектаклга муносиб баҳо беради.

"Падаркуш" асари ҳозирги кунда ҳам нафақат ёшларимизнинг таълим-тарбияси ва маънавий камолотига, балки катталарнинг-да дунёқарашига таъсир кўрсата оладиган драма сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Тарғибот-ташвиқот ишларида, турли тадбирларда ушбу асар билан боғлиқ муҳокамалар ва мунозаралар ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, ўқимаган боланинг ҳоли келажакда қандай бўлиши "Падаркуш"да тўла намоён бўлган.

Таҳлил

COVID-19 ВА ВИРТУАЛ ҲАЁТ:

Болаларнинг интернетдан фойдаланиш хавфсизлигига таҳдид ортмоқда

Феруза МИРЎКТАМОВА,
Ирода ЁҚУБОВА,
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчилари



Пандемиянинг дунё бўйлаб кенг тарқалиши оқибатида аксарият умумтаълим мактабларининг ёпилиши 1,5 миллиарддан ортиқ ўқувчи ва талабанинг виртуал оламга сарфланадиган вақтини бир неча баробар оширди. Улар бугун интернет орқали нафақат таълим олмоқда, балки реал ҳаётдаги мулоқотларнинг ўрнини босиш истагида асосий вақтини виртуал оламда ўтказаётгани мутахассисларни жиддий ташвишга соляпти.

Аслида онлайн таълимни ривожлантириш аллақачон, замон талабига айланган. Ахборот технологиялари ривожланган бугунги даврда масофадан туриб таълим олиш ортиқча вақт ва маблағни тежаш билан бирга боланинг замонавий билимини ошириш, илғор қурилмалардан фойдаланиш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилади. Ўқувчининг интернет манбалари, онлайн адабиётлардан фойдаланиш имкониятини оширади.

Мамлакатимизда пандемия шароитида тизимга тезлик билан масофавий технологиялар жорий қилиниб, 7 миллион ўқувчи ва 500 минг талабага онлайн дарс бериш йўлга қўйилди. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқув йилининг IV чораги учун режалаштирилган машғулотлар масофавий видеодарслар кўринишида ташкил этилди. Олий таълим тизимида ҳам карантин сабаб фан дастурлари бўйича 6 минг 102 та фандан онлайн таълим ресурслари яратилиб, ҳар бир олий ўқув муассасасининг масофавий ўқитиш платформаларига жойлаштирилди. Ота-оналарнинг мактабгача таълим ёшидаги фарзандларини тизимли ва фойдали ўқитишига кўмаклашишга қаратилган "Онлайн болалар боғчаси" дастури ишлаб чиқилди. Телевидение, интернет сайтлар ва радиоканаллар орқали болалар ва оила учун фойдали кўрсатувлар, онлайн дастурлар ҳамда аудиокитоблар тақдим этилмоқда. Мазкур таълим жараёнининг қулай ва самарадорлиги қўплаб ота-оналарга манзур бўлаётгани ҳам айни ҳақиқат.

Аммо масаланинг бошқа жиҳати борки, у бевосита асосий вақтини интернет тармоқларида ўтказаётган болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ. Бу пандемия шароитида янада долзарб вазифага айланмоқда.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти — ЮНИСЕФ баёнотига кўра, COVID-19 пандемияси даврида ўзини яккалаш ва онлайн режимга ўтиш зарурати жаҳондаги миллионлаб болаларнинг ҳуқуқлари бузилиши ва зўравонлик қурбонига айланишлари эҳтимолининг ошишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, пандемияни ўз мақсадлари йўлида ишлатишга интилаётган интернет "овчилар"и айни ривожланиш босқичидаги болалар ва ўсмирларни ўз домига тортиши, киберҳужумларга дучор қилиши хавфи ортиб боряпти. "Коронавирус пандемияси компьютер экранлари ёки бошқа қурилмалар олдида сарф қилинадиган вақтнинг мисли кўрилмаган ўсишига олиб келди, — дея ўз фикрини билдирди Зўравонликни тугатиш глобал ҳамкорлиги ижрочи директори доктор Ҳовард Тэйлор. — Мактабларнинг ёпилиши ва вирус тарқалишининг олдини олиш чоралари кўпроқ болаларнинг билим олишлари, дам олишлари ва ташқи дунё билан алоқада бўлишлари учун технология ва рақамли ечимларга таянмоқда, аммо ҳамма болалар ҳам интернетда хавфсизлигини таъминлаш учун керакли кўникма ва билимларга эга эмас".

Мамлакатимиздаги ёшларнинг интернетдан фойдаланиш маданияти ва кўникмалари қай даражада эканлиги борасида тадқиқот ўтказган "Маҳалла ва оила" илмий-тадқиқот институти ҳам сўровномада қатнашган 2000 дан ортиқ экспертни интернет орқали ўсмир ёшдаги йигит-қизларнинг онгини атайин чалғитувчи ахборотлар тарқатилиши хавотирга солаётганини таъкидлади. Тадқиқотда иштирок этган экспертлар болалар, айниқса, ўсмир ёшларни интернет ва мобиль алоқа воситаларидан фойдаланиш қоидаларига ўргатиш, уларни виртуал тармоқларда тарқатилаётган бузғунчи хабар ва фирибгарликлардан огоҳ этиш, хусусан, ижтимоий тармоқларда болалар руҳиятига ўта зарарли таъсир этувчи кибербуллинг (виртуал маконда болаларга шафқатсиз муносабатда бўлиш) ва буллицид (руҳий таъсир кўрсатиш орқали ўз жонига қасд этиш) каби услубларнинг ортида қандай мақсад яшириниб ётганини кўрсатиш масаласига соҳа мутахассислари алоҳида эътибор қаратиши муҳим, деган фикрга келган.

Шу ўринда, 2017 йилда қабул қилинган "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунни ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Унда хавфлар даражалари ва хавфсизликни таъминлаш чоралари белгилаб берилган. Қонунга кўра, ахборотни тарқатишда унга ёш тоифасига оид белги қўйиш мажбурий ҳисобланади. Бироқ бу қоида фақатгина миллий контенддаги ижтимоий тармоқлар, сайтларда берилаётган ахборотларга нисбатан қўлланилади. Ҳозирги кунда ёшларимиз фаол фойдаланадиган Youtube, Telegram, Facebook ва бошқа ижтимоий тармоқлар эса миллий контенттимиз платформаларига кирмайди, демак, уларда берилаётган ахборотларга ёшга оид тоифа белгисини қўйишнинг имкони ҳам, иложи ҳам йўқ.

ЮНИСЕФ тобора долзарб аҳамият касб этаётган мазкур масала бўйича бир қатор йирик жамғарма ва ташкилотлар билан ҳамкорликда АКТ корхоналари, ўқитувчи ҳамда ота-оналарни ҳушёрлик, потенциал хавфларни камайтириш учун шошилинч чоралар кўриш ва болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан зарур бўлган барча чораларни белгилашга чорлайдиган янги техник эслатмани ишлаб чиқиб, эълон қилди. Мазкур эслатма COVID-19 пандемияси даврида болалар учун тармоқда онлайн хавфларни камайтириш бўйича дастлабки тавсия қилинган ҳаракатларни ўз ичига олади:

- **Ҳукуматлар учун.** Бу борада ҳукуматлар олдидаги муҳим вазифалар қаторига пандемия даврида болалар ҳимояси бўйича асосий хизматларнинг фаолият юритишини қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаси ходимлари ва ижтимоий ишчиларни COVID-19нинг болалар фаровонлигига салбий таъсири тўғрисида, жумладан, интернетда онлайн хавфнинг юқорилиги бўйича хабардор қилиш, болаларнинг интернетдаги хавфсизлиги бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш кўламини кенгайтириш, ижтимоий ишчилар, мактаблар, ота-оналар ва болаларни маҳаллий ишонч телефонлари ҳақида ахборот берувчи механизмлар орқали хабардор қилиш кабилар киради.
- **Ахборот технологиялари саноати, хусусан, ижтимоий тармоқ платформалари учун.** Онлайн платформаларда хавфсизлик ва ҳимоя чоралари, айниқса, виртуал ўқитиш воситаларини кучайтириш ва уларнинг ўқитувчилар, ота-оналар, болалар учун фойдаланишда очиқ бўлишини таъминлаш, болалар хавфсизлиги бўйича маълумот хизматлари ва ишонч телефонлари фаолиятини рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш, болалар ҳуқуқларини назарда тутувчи стандарт модерация (доимий мониторинг) сиёсатини ишлаб чиқиш, кам таъминланган оилалар фарзандларига интернетдан фойдаланиш сифатини ошириш мақсадида унга уланишни таъминловчи ички хавфсизлик чораларини қўллаш бу йўналишдаги муҳим вазифалардан саналади.
- **Мактаблар учун.** Болалар учун уй шароитида ўқитишнинг янги воқеликларини акс эттирувчи амалдаги хавфсизлик сиёсатини янгилаб бориш, интернетда яхши хулқ-атворни рағбатлантириш ва мониторинг қилиш, мактаблар базасида болаларнинг маслаҳат хизматларидан узлуксиз фойдаланишларини таъминлаш кабилар назарда тутилади.
- **Ота-оналар учун.** Болаларнинг қурилмаларида сўнгги дастурий таъминот ва антивирус дастурларининг янгиланиб боришни таъминлаш, фарзандлар билан интернетда қандай ва ким билан мулоқот қилиш тўғрисида очиқ мулоқотлар олиб бориш, интернетни қандай, қачон ва қаерда ишлатиш қоидалари, тартибини болалар билан биргаликда ўрнатиш, уларнинг тармоқларда фаоллиги натижасида пайдо бўлиши мумкин бўлган стресс белгиларига нисбатан ҳушёр бўлиш, шунингдек, маҳаллий қўллаб-қувватлаш рақамларидан фойдаланишни таъминловчи ва ишонч телефонлари ҳақида ахборот берувчи механизмлардан хабардор бўлиш ота-оналар эътибор қаратиши зарур бўлган масалалардан ҳисобланади.

Бир қарашда, оддий бўлиб кўринган бу вазифалар бевосита боланинг руҳий ва жисмоний саломатлигини тўғри ривожлантириш билан боғлиқ жараёндир. Тўғри, замонавий жамиятда вояга етмаганларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш мувофиқлаштирилган ҳаракатни талаб қилади. Бунда оиладан бошлаб, таълим муассасалари, жамоатчилик ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларигача масъулиятни биргаликда зиммасига олишлари лозим. Бироқ ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш, уларнинг вақтларини мазмунли ва фойдали машғулотларга сарф этишларида шубҳасиз, асосий масъулият оила зиммасига тушади.

Ота-оналар, аввало, фарзандларининг вақтини тўғри тақсимлашлари, уларнинг нима билан машғуллиги, интернет тизимида қандай ахборот маҳсулотларидан баҳраманд бўлаётганликлари тўғрисида хабардор бўлишлари лозим. Фарзандлар билан кўпроқ суҳбатлар қуриш, уларга китоб ўқиш учун шароитлар яратиш, мутолаанинг фойдали жиҳатларини тушунтириш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Боиси, мутолаага меҳр қўйган боланинг дунёқараши кенг, фикрлаши тиниқ, маънавияти юксак бўлиб, яхши ва ёмон, холис ва нохолис ахборотларни ажрата олади. Шундай экан, фарзандларни рақамли маконнинг зарарли хуружларидан сақлашни истасак, буни аввало, маънавий қадриятларнинг таянчи бўлган оиладан бошлашимиз керак.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 1951.
42596 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Навбатчи муҳаррир: Гулчеҳра Дурдиева
Мусаҳҳиҳ: Асолат Шербекова
Дизайнер: Зафар Бакиров

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:05 Топширилди — 00:15

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru